Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 160 (20. 427) • 1989 йил 8 июль, шанба • Баҳоси 3 тийин.

ЕВРОПА ТАРИХНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ФРАНЦИЯГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТУГАДИ

ПАРИЖ, 6 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). М. С. Горбачевнинг Францияга қилган расмий визити учинчи ва якунловчи куни Париж вақти билан эрталаб соат 10 да бошланди. Маринья саройида унинг Франция Президенти Франсуа Миттеран билан якунловчи учрашуви бўлди. Иккала давлат бошлиқлари сидқидилдан самимий қўл олишиб, шу тариқа олий даражада ўтказилган навбатдаги учрашув натижаларидан мамнун эканликларини ва мулоқотни давом эттиришга холисона ният қилганликларини тасдиқладилар. Кўпгина мамлакатларнинг журналистлари шу воқеанинг гувоҳи бўлдилар.

Франция Президенти билан суҳбатдан кейин М. С. Горбачев дарҳол Страсбург шаҳрига жўнаб кетиш учун Орли аэропортига йўл олди.

Орли аэропортидаги кузатиш маросими айни вақтда тантанали ва шодиёна бўлди. Фахрий қоровул саф тортди. СССР ва Франциянинг Давлат гимнлари ижро этилди. Юзлаб парижликлар Орлига бориш йўлида ва аэропорт атрофларида совет раҳбарига оқ йўл тилаб қолдилар, ўз табриклари билан олий мартабали меҳмонга меҳр-муҳаббатларини ва унинг Париждаги уч иш куни салмоқли натижаларидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар.

Франция пойтахтидан Страсбург орасида атиги бир соатли йўл бор. Ғарбий Европадаги энг кекса ва энг ваколатли Ғарбий Европа ҳукуматлараро ташкилоти — Европа Кенгашининг қароргоҳи шу ерга жойлашган, бу ташкилот Европадаги 23 давлатни бирлаштиради. Гарчи бу ерда, кенгашнинг парламент сессиясида М. С. Горбачев нутқининг эҳтимол тутилган мавзуи икки томонлама муносабатлар доирасидан чиқса ҳам французлар 1989 йилги Париж ёзининг мана шу икки воқеасини бир-биридан ажратгилари келмаяпти. ТФ-1 телекомпанияси шарҳловчисининг фикрича, Париж билан Страсбург — «Европа ҳамкорлиги пойдеворига қўйилган икки залворли блокдирки, Михаил Горбачев шу ҳамкорликнинг мўътабар меъморларидан бири эканлиги шубҳасиз».

Страсбург аэропортида Совет давлатининг бошлиғини парламент ассамблеясининг раҳбарлари, Европа Кенгаши министрлар комитети ва секретариатининг аъзолари кутиб олдилар. Франция давлат министри, ташқи ишлар министри Ролан Дюма ҳам шу ерда эди. Аэропортдан Европа саройига бориш йўлида М. С. Горбачевни Эльзаснинг қадимий пойтахти, Қуйи Рейн департаментининг маъмурий маркази — Страсбург аҳолиси самимий табриклаб кутиб олди. Бу ерда бир неча кун муқаддам парламент ассамблеясининг ёзги сессияси очилган бўлиб, меҳмонни кутиб олиш учун ҳамма нарса шай эди.

Европа саройи дарвозаси ёнида М. С. Горбачев норасмий ва шодиёна кутиб олинди. Унга Европа кенгаши парламент ассамблеяси бюросининг аъзолари таништирилди. У Европа кенгашининг зарҳал китобига имзо чекди. Сўнгра ҳамма Европа парламентининг мажлислар залига кирди.

Европа кенгаши парламент ассамблеясининг раиси Андерс Бьерк меҳмонга табрик сўзлари билан мурожаат этди.

Сўнгра йиғилганлар ҳузурида М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Парламент ассамблеясининг аъзолари совет раҳбарининг нутқини мароқ билан тинглаб, давомли қарсаклар билан бу нутққа ўз муносабатларини билдирдилар.

* * *

Шундан кейин М. С. Горбачев билан Европа Кенгаши министрлар комитетининг аъзолари ўртасида, шунингдек Кенгаш Бош секретари К. Лялюмьер хоним ўртасида учрашувлар бўлди.

Европа Кенгаши парламент ассамблеяси ва министрлар комитетининг раҳбарияти номидан Совет давлатининг бошлиғи шарафига нонушта зиёфат берилди. Зиёфатда Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг раиси А. Бьерк, Европа Кенгаши министрлар комитетининг раиси Т. Столтенберг ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

* * *

Франциянинг шарқида, Иль дарёси бўйида унинг Рейнга қуйилиш жойидаги Страсбург шаҳарчасида бугун ҳақиқатан ҳам ғайриоддатий воқеа рўй берди. Совет раҳбари Европа парламентига қилган мурожаатида ишонарли тарзда ва яққол қилиб қиёфасини чизиб берган тинч Европанинг амалдаги иморатига Страсбургдан берилган бевосита телевизион кўрсатув туфайли Европа қитъасидаги ва бутун дунёдаги миллионлаб аҳоли ишонч ҳосил қилди. Шаҳар мезбонлари унга муваффақият ва оқ йўл тилаш учун кўчаларга чиқдилар.

Кечқурун аэропортда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раисини Европа Кенгаши парламент ассамблеясининг раиси А. Бьерк, Страсбург шаҳри ҳокими К. Тротман хоним ва Энтзем шаҳрининг ҳокими Ф. Дебс кузатиб қолдилар. М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳ бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин, бошқа расмий кишилар ҳам у билан бирга жўнаб кетдилар.

«ИЛ-62» самолёти Бухарестга йўл олди.

ТЎПЛАМ НАШР ЭТИЛДИ

Сиёсий адабиёт нашриёти «КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг ГФРга визити. 1989 йил 12—15 июнь» тўпламини чиқарди. Тўпламдан жой олган ҳужжатлар орасида визит давомида совет раҳбарининг ГФР Президенти Р. фон Вайцзеккер билан учрашувлари ва суҳбатлари тўғрисидаги, Германия Федератив Республикасининг канцлери Г. Коль билан музокаралари ҳақидаги хабарлар, нутқларнинг матнлари, қўшма баёнот, бошқа материаллар бор.

Китоб «Красний пролетарий» босмахонасида чоп этилди.

(ТАСС).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти «М. С. Горбачев. СССР ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида (СССР халқ депутатлари съездидаги доклад ва якунловчи нутқ. 1989 йил 30 май, 9 июнь)» китобчасини ўзбек тилида чиқарди.

«Н. И. Рижков. СССР ҳукуматининг келгусидаги фаолият программаси тўғрисида. (СССР халқ депутатлари съездидаги доклад ва якунловчи нутқ. 1989 йил, 7, 9, июнь)» китобчаси ҳам ўзбек тилида нашр этилди.

Китобчалар оммавий нусхада босиб чиқарилди.

(ЎзТАГ).

Суратда: аэропортда кутиб олиниш пайти.

ТАСС—ЎзТАГ телесурати.

М. С. Горбачев Бухарестга келди

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида қатнашиш учун Совет делегацияси аъзолари 6 июль куни Москвадан Бухарестга жўнаб кетишди. Францияга расмий ташриф буюрган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев делегацияга бошчилик қилади.

Аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижковни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язовни Л. Н. Зайков, А. П. Бирюкова, Г. П. Разумовский ўртоқлар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни Н. И. Рижков билан Д. Т. Язов Бухарестга етиб келдилар. Отопень аэропортида уларни РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидат, РСР миллий мудофаа министри генерал-полковник В. Миля, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

* * *

БУХАРЕСТ, 6 июль. (ТАСС). Совет делегациясининг раҳбари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг навбатдаги кенгашида қатнашиш учун бугун бу ерга келди. Совет делегациясининг аъзолари: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев у билан бирга келдилар.

Пойтахтдаги Отопень аэропортида М. С. Горбачевни рафиқаси билан бирга, совет делегациясининг аъзоларини РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолари — РСР ҳукуматининг Бош министри К. Дэскэлеску, РКП Марказий Комитетининг секретари К. Олтяну, РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитети аъзолигига кандидатлар — РСР ташқи ишлар министри И. Тоту, РСР миллий мудофаа министри В. Миля, руминиялик бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Илгарироқ бу ерга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри армия генерали Д. Т. Язов ҳам кутиб олиш пайтида ҳозир бўлдилар.

Кутиб олувчилар орасида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган қуролли кучларининг бош қўмондони армия генерали П. Г. Лушев, СССРнинг РСРдаги элчиси Е. М. Тяжельников ҳам бор эдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

СССР Олий Советининг 6 июлдаги мажлисида М. И. Шчадов СССР кўмир саноати министри лавозимига тавсия этилади.

М. И. Шчадов ўз нутқида тармоқ олдида турган вазифаларни ва ана шу вазифаларни рўёбга чиқаришда министрликнинг асосий юмушларини таҳлил этиб берди. Кўмир саноати, деб уқтирди у, мамлакат ёқилғи-энергетика комплексининг муҳим таркибий қисми бўлиб, ҳозир бу саноатда 2,7 миллион шахтёр банддир. Уларнинг меҳнати оғир ва хатарли.

Аввалги беш йилликда тармоқдаги аҳвол қониқарли эмас эди. Шу беш йилликда у бирмунча барқарор ишламоқда. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари асосан таъминланмоқда, меҳнат унумдорлиги ўсмоқда.

Аммо ҳали ҳал этилмаган масалалар кўп. Ҳозирча кўмирнинг сифати етарлича юқори эмас. Бошқарув структурасини фаолроқ такомиллаштириш, корхоналарни йириклаштириш, уларга кенгроқ кўламда мустақиллик бериш зарур. Тармоқ 59 йилдан буён зарар кўриш планда белгиланиб келаётган тармоқ бўлиб қолмоқда ва иқтисодий ислоҳот шароитида бу муаммони шошилинч равишда ҳал этиш лозим.

А. И. Лукьянов мунозараларни бошлашдан аввал депутатларни яна бир бор вақтни тежашга, масаланинг моҳиятига қараб лўнда гапиришга, долзарб муаммоларни кўтариб чиқишга чақирди.

Муҳокама этилаётган масала юзасидан мунозарада депутатлардан **А. Л. Царевский, А. С. Цигельников, Т. К. Пупкевич, М. А. Михеев, Н. Д. Пивоваров** сўзга чиқдилар.

Н. И. Рижковга сўз берилади. Ҳозир М. И. Шчадов кўмир саноатига бошчилик қилиши лозим бўлган инсон эканига ишончим комил, деди у. Аммо, афтидан у кўмир саноати раҳбарларининг янги авлодини камол топтириш тўғрисида, ёш кадрлар ҳақида жиддий ўйлаши керак бўлади.

1985 йилда, биз министр тўғрисидаги масалани ҳал этаётганимизда, деб давом қилди ҳукумат бошлиғи, кўмир саноатида аҳвол оғир эди, мен Министрлар Советининг, Министрлар Совети Президиумининг мажлисларида иштирок этган эдим. Ҳар чоршанба куни президиумда кўмир саноатига тааллуқли масалалар кўриб чиқилар, кўпдан-кўп нутқлар сўзланиб таклифлар айтиларди. Аслини олганда ҳукумат ўз вақтининг ярмини халқ хўжалигининг икки тармоғи — кўмир саноати билан қора металлургияга ажратарди. Гап кўп бўлиб иш оз эди. Мана, янги одамлар — Колпаков билан Шчадов келишди. Гап-сўзлар анча камайиб, иш кўпайди. Биз ким кўмир саноати министри бўлиши ҳақидаги масалани ҳал этаётганимизда ишнинг кўзини биладиган бир киши, агар сизга кўмир керак бўлса, Шчадовни қўйинг, деди. Биз хато қилмадик деб ўйлайман, у ҳақиқатан ҳам кончилик ишининг барча нозик томонларини биладиган инсондир.

Сўнгра Н. И. Рижков кўмир саноатининг ҳал қилинмаган баъзи вазифаларига тўхталди.

Кўмирчилик касби, деди у, энг оғир ва ҳатто муайян даражада қаҳрамонона касбдир. Шу боисдан тармоқнинг эҳтиёжлари билан боғлиқ кўпгина масалалар тез ва жиддий равишда ҳал этилиши зарур.

Кўмир саноатида кўп иш қилинди. Жумладан, илгари машинасозлик тармоққа ўтказилган эди.

Социал масалалар ҳозирги энг муҳим масалалардир, деб таъкидлади нотиқ. Шахтёрлар шаҳарлари ва посёлкаларини социал ривожлантириш соҳасида ғоят жиддий ҳаракат программаси даркор. Ечимларни — тармоқ, давлат ечимларини, СССР Олий Совети, унинг комиссиялари ечимларини топиш керак.

Н. И. Рижков кўмир баланси билан боғлиқ масалаларга тўхталиб, ҳозир мамлакатда кўмирнинг катта запаслари мавжудлигини қайд этиб ўтди. Бу нарса ўтган қиш фасли унча совуқ бўлмаганлиги билан боғлиқдир. Афтидан, шундай вазиятда кўпроқ эпчиллик қилиш керак, жумладан, кўмир запасларининг бир қисмини валютага сотиш, мамлакатимизда реализация қилиш мумкин. Ҳозир бизда одамларга қанча кўмир керак бўлса, шунча сотиш имконияти бор. Ҳолбуки, жуда ғалати вазият вужудга келиб қолмоқда: кўмир бору, аммо масалан, қишлоқларда, ишчи посёлкаларида кўмир йўқ. Бу муаммони ҳал этиш керак, у қанчалик тезроқ ҳал этилса шунчалик яхши.

Ҳукуматда Кўмир саноати министрлиги учун валюта тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилади. Биз шахтёрларга кўмирни чет элга сотиш учун, тармоқни янада ривожлантиришда уларга нима зарур бўлса ҳамма нарсани сотиб олиш учун рухсат берамиз.

Тармоқни бошқариш услубини такомиллаштириш масалаларида ғоят катта потенциал имкониятлар мавжуддир, деб таъкидлади СССР Министрлар Советининг Раиси. Бир вақтлар, деди у, шахталар мустақилликдан батамом маҳрум этиб қўйилганида жиддий хато қилинганлигига ишончим комил. Эндиликда шундай системани топиш зуруки, бу система кўмир корхоналарига ишлаб чиқариш ҳамда социал масалаларни ҳал этишда ҳақиқатан ҳам тўла мустақиллик берадиган бўлсин.

Н. И. Рижков депутатларнинг кўмир корхоналари фойдаланаётган ерларни экин экиш учун ўз вақтида яроқли ҳолга келтиришни таъминлайдиган экологияга доир жиддий қонун ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлади.

М. И. Шчадов кўпчилик овоз билан СССР кўмир саноати министри этиб тайинланади.

СССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министри лавозимига тавсия этилган Н. В. Лемаевнинг номзодини муҳокама этиш таклиф қилинади.

Н. В. Лемаевга янги шароитда тармоқ қандай ишлаши кераклиги хусусида ўзининг концепциясини баён этиш имконияти берилади. Жумладан, қуйидаги маълумотлар, деди у, химиклар фаолиятининг миқёсларидан далолат беради: министрлик корхоналари неча ўн миллиард сўмлик юз мингдан зиёд номдаги маҳсулотларни ишлаб чиқмоқда.

Аммо ҳозир энг муҳими ишлаб чиқариш ҳажмларини шунчаки ўстиришда эмас. Нотиқ тармоқ ишидаги сифат ўзгаришлари боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишга муфассал тўхталди. Экология ва социал сиёсат биринчи даражали муаммолар қаторига қўйилди. Бутун халқ хўжалиги каби химия ҳам инсон манфаатларига қаратилиши, унинг талаб ва эҳтиёжлари тўлароқ қондирилиши учун ишлайдиган бўлиши керак.

Министр лавозимига номзод тармоқни техника билан қайта қуроллантиришни жадаллаштириш учун кўрилаётган чора-тадбирларга муфассал тўхталиб ўтди.

Министр лавозимига номзодни муҳокама қилишда депутатлардан **Г. И. Ревенко, В. А. Леончев, М. Ғ. Раҳимов, Н. П. Белоус, О. М. Нефедов, С. Н. Хожиев** ва бошқалар манфаатдорлик билан иштирок этдилар.

Н. В. Лемаевни СССР химия ва нефтни қайта ишлаш саноати министри этиб тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилинади.

В. Г. Колесниковни СССР электрон саноати министри этиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритилади.

Минбарда — **В. Г. Колесников.** У тармоқдаги аҳвол тўғрисида гапириб ва депутатларнинг шу билан боғлиқ саволларига жавоб қайтариб, жумладан бу тармоқ фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

(Давоми иккинчи бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШДА ИҚТИСОД ФАНИ РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиумида 6 июль куни бўлиб ўтган кенгашда иқтисод фанининг республика халқ хўжалигини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссасини ошириш йўллари кўриб чиқилди. Кенгашда республика академиясининг, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг аъзолари, Тошкент олий ўқув юртларининг мутахассислари, план-молия органларининг, Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети билан Нархлар давлат комитетининг, таъминот системасининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Олимлар Ўзбекистон экономикаси кризисли ҳолатда эканлигини ва бу ҳол социал ларзаларни келтириб чиқара бошлаётганлигини эътироф этиб, диққат-эътиборларини қуйидаги муаммоларга қаратдилар: содир бўлаётган ҳодисаларнинг иқтисодий ва сиёсий илдизлари қандай? Аҳволни қандай қилиб ўзгартириш, халқнинг бунёдкорлик ғайратини қандай уйғотиш керак? Амалиётчи раҳбарлар иқтисод фанининг тавсияларига қулоқ солишлари учун шу фаннинг обрўсини қандай қилиб ошириш лозим?

Халқ дастурхонининг тўкинсочинлигига, оила қандай яшаётганлигига қараб турмушдаги воқеаларга баҳо беради. Одамлар нарх-навонинг баландлигини, тақчилликни, пулнинг қадрсизланишини ҳаққоний танқид қилмоқдалар. Қайта қуриш тўрт йилдан буён давом этмоқда — энди аниқ-равшан натижалар керак. Ана шу натижалар сари илмий компосга қараб йўл очиш пайти ниҳоят келди. Биз иқтисодчи олимларнинг овозига ҳаддан ташқари узоқ вақт қулоқ солмай келдик, бу бизга ҳаддан ташқари қимматга тушмоқда.

Экономикага раҳбарликнинг уқувсизлиги учун жуда қаттиқ товон тўлашга тўғри келмоқда, — деди Тошкент политехника институти кафедрасининг мудири **М. Шарифхўжаев.** — Бутун мамлакатда вазият кризисли ҳолатда, аммо Ўзбекистонда у ғоят жиддийдир. Республика мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлишдек интернационал бурчини адо этмоқда. Лекин бунинг эвазига у ўзига етишмаётган нарсаларнинг ҳаммасини етарлича олиши керак. Ҳозир асосий куч-ғайратларни Ўзбекистон халқ хўжалигидаги номутаносибликларни бартараф этишга қаратиш, ажратилаётган капитал маблағнинг ўзлаштирилишига эришиш лозим.

Нотиқ барча қурилиш тармоқларининг ижара муносабатларига ўтишини жадаллаштиришни; Белоруссия қурувчиларининг тажрибасига мувофиқ объектларни батамом тайёр ҳолда топширишни; техниканинг сўнгги ютуқлари асосида бинокорлик материаллари ишлаб чиқариладиган бир қанча корхоналар барпо этишни (чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилиш асосида бўлиши эҳтимол); бинокорлик материалларини қурувчилар учун эркин савдога чиқаришни таклиф қилди.

Нотиқ пахтанинг харид нархларини ошириш, шундай экин майдонларини қисқартириш, алмашлаб экишни жадаллик билан жорий этиш кераклигини ёқлаб гапирди. Бу гапга луқма ташланди: пахта тайёрлаш ҳажмини афтидан бозор конъюнктураси тақозо этса керак. Иқтисодчиларнинг вазифаси эса пахтачилик нафли бўлиб қоладиган йўлни кўрсатиб беришдан иборатдир, айни мана шу асосдагина ҳажм белгиланиши лозим.

Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ўрганувчи кенгаш раиси академик **И. Искандаров** кризиснинг баъзи сабабларини: экономика структурасининг самарасизлигини; иқтисодий қонунлар бузилганлигини; чексиз қайта ташкил этишлар, демография вазияти писанд қилинмаганлигини; мамлакат халқ хўжалигига республика қўшаётган ҳиссага берилаётган баҳонинг нотўғри мезонларини; нарх белгилаш принциплари бузилганлигини кўрсатиб ўтди. У пахта тайёрлашни, кейинчалик эса уни қайта ишлашни ҳам ихтисослаштирилган тармоқдан бевосита хўжаликларга топшириш тўғрисидаги таклифни яна айтди.

Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори С. **Усмонов** минбарга чиқади. У халқ хўжалигини бошқаришга ўзбошимчалик билан ёндашувларни танқид қилишни давом эттириб, «ҳаммо бало шундаки, бизда экономикани ҳамма билади», деди алам билан. Унинг фикрича, олимлар билан амалиётчиларнинг ҳамкорлигини мунтазам равишда ташкил этиш керак.

С. Усмонов йиғилганларнинг эътиборини ҳайрон қоларли бир фактга жалб этди. Деҳқонларнинг шахсий хўжаликларида суғорма ерларнинг жами салкам тўрт процентни бор. Аммо республика қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 40 процентга қадарини айни шу ерлардан олади! Шу боисдан ҳам агар биз келгуси йилдаёқ халқни маҳсулот билан таъминлашда бурилишга эришишни истасак, хоҳловчи деҳқонларга дарҳол ер бериш, шунингдек маҳсулот етиштириш ва топширишда хўжаликларнинг мустақиллигини кенгайтириш зарур.

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **В. Қобулов** бундан буён пахтанинг қайта ишлаш маҳсулини эмас, балки пахта хом ашёсини сотишга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Сақлаш ва қайта ишлаш чоғида 40 процентга қадари нест-нобуд бўлаётган маҳсулотни давлатга сотиш эса жиноятдир. У тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини бевосита хўжаликларга ўтказиш тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлади. Давлат буюртмаси эмас, балки хўжалик шартномаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг, қолаверса саноатнинг ҳам негизи бўлиши керак, деди у. Шу билан бирга катта илмий мавзулар давлат буюртмалари орқали пул билан таъминланиши лозим. Буюртмачининг йўқлиги сабаблигина экономикани кузатиш кибернетика системаси, Орол ҳавзасининг математик модели ва бошқа бир қанча ечимлар шу пайтгача ҳам амалга оширилган эмас.

Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири **А. Абдуғаниев** регионал хўжалик ҳисоби муаммосини экономиканинг устун муаммоси, деб ҳисоблайди. Унинг фикрига қараганда, бу мавзу бизда жуда суст ишлаб чиқилмоқда. Бинобарин, миллий даромад регионал хусусиятларни ва ҳар бир республиканинг ўзига хос структурасини ҳисобга олмайдиган методик негизда шакллантирилмоқда. Бошқа томондан олганда эса саноат экономикасини қайта қуриш бизда ҳали аслида бошланганича йўқ, деҳқонларга ер берилмаяпти. Бу даромад ва фойда олишни кўпайтиришга халақит бермоқда. Иқтисодчи олимлар устун вазифаларни ҳал этишда ўз куч-ғайратларини бирлаштиришлари лозим.

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори **Р. Ҳусанов** иқтисодий сиёсатда экологик омилни ҳисобга олиш зарурлигини уқтирди. «Тупроқ ҳосилдорлигини сақламай туриб, биз ҳеч нарсага эриша олмаймиз», деди у. Р. Ҳусанов колхоз ва совхозларнинг илмий янгиликларга хушлари йўқ эканлигини танқид қилди. «Ҳозир ҳар бир область учун деҳқончиликнинг илмий системаси яратилган, деди у, лекин бу системадан фойдаланишмаяпти. Асосий экинларнинг уруғлигини етиштириш ўз қолига ташлаб қўйилган, биз деҳқоннинг етиштирилган ҳосилни қайта ишлашига ишонмаяпмиз».

Янги вазифаларни эски усуллар билан ҳал этиб бўлмайди, деб таъкидлади Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг кафедра мудири **В. Эм.** Қишлоқда ижара муносабатларини муваффақиятли ривожлантириш учун қонуний асос керак, лекин у ҳозирча йўқ. Бу эса одамларда ишончсизлик туғдирмоқда, ижара усулида ҳам, пудрат усулида ҳам камчиликларга сабаб бўлмоқда. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини ўзгартирадиган, деҳқонларни эса фақат пахта етиштиришга эмас, айни вақтда ўз уйида чорва моллари, паррандалар боқишга, мева ва сабзавотларни қайта ишлашга отлантирадиган вақт келди. Нотиқ деҳқонларга ер бериш ҳақидаги фикрни қўллаб-қувватлаб, ажратиладиган ерлар ҳажмини белгилаш зарурлигини уқтирди. Ана шундагина алмашлаб экиш, мелиорация ишларини амалга ошириш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **И. Бердинцев** бугунги кундан узоқроқ туюлган муаммони илгари сурди. «Лекин бу муаммони яна ҳозирги аҳволга тушиб қолмаслик учун бугуннинг ўзида ҳал қилмоқ зарур», деди у. Бу ерда гап тоғли ва тоғолди районларини ўзлаштириш ҳисобига одамлар яшайдиган ерларни кенгайтириш ҳақида кетяпти. «Республикамиз аҳолиси тобора кўпаймоқда, яқин орада одамлар яшайдиган жой қолмайди. Келажак ҳақида ўйлайдиган вақт келди».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. А. Каримов** муҳокамани якунлади. У Фанлар академияси президиуми ва партия Марказий Комитетининг куч-ғайрати билан амалиётчилар ва иқтисодчи олимларнинг ҳамкорлигини системали асосда олиб боришни таклиф этди. Умумий куч-ғайратларнинг мақсади — экономикага ўзбошимчалик билан ёндашувга барҳам беришдир. Халқ хўжалигининг рентабеллигини, корхоналар ва ташкилотларнинг даромадини оширишга, энг муҳими аҳоли жон бошига олинадиган даромадларни кўпайтиришни таъминлаш ва шу негизда халқ фаровонлигини ўстиришга асосий куч-ғайратларни йўналтириш керак.

Республика хўжалик ҳисоби ҳақида фикр юритар эканмиз, агар ҳар бир завод, фабрика, хўжалик оёқда маҳкам туришга, маблағ ишлаб топишга ва ундан оқилона фойдаланишга ўрганса хўжалик ҳисобига ўтиш муваффақиятли бўлишини эсда тутиш лозим. Ҳар бир иттифоқдош республика хўжалик ҳисобига ўтаётган дастлабки давр шарт-шароитларини тенглаштириш учун регионал хўжалик ҳисобини жорий этиш олдидан нарх-наволар ислоҳоти асосида республиканинг миллий даромади ва бюджетининг шакллантириш усулларини қайта қараб чиқиш зарур. Демографик вазият ва регионал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолининг социал жиҳатдан таъминланиш масалаларини ҳам холис кўриб чиқиш керак.

Баъзилар қайта ишловчи тармоқларни ривожлантириш ҳисобидан аҳоли бандлиги ва унинг даромадлари муаммосини ҳал этиш мумкин, деб хато ўйламоқдалар. Истиқболга назар ташлаган ҳолда Ўзбекистонда кўп меҳнат талаб қиладиган электроника, асбобсозлик, радиотехника ва бошқа соҳалар сингари илғор тармоқлар ривожлантирилиши даркор. Биз ҳозирча кўпроқ маҳсулот етказиб берувчи эканмиз, ўз муаммоларимизни ҳал қилолмаймиз. Амалиёт фандан даромадни яхшироқ тақсимлашдан кўра ижтимоий меҳнат унумдорлигини юксалтириш, фонд самарадорлигини ошириш борасида маслаҳатлар кутади. Республика миллий даромади демографик ўсишни ҳисобга олган ҳолда Иттифоқимиздаги ўртача даражадан анча тезроқ кўпайиши керак — акс ҳолда биз турмуш даражасидаги тафовутни бартараф эта олмаймиз.

Бир қолипдаги ечимлардан воз кечиш кризисни бартараф этишнинг ғоят муҳим шарти бўлиб қолиши керак. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти ҳам шуни тақозо этади. Ёппасига эмас, балки табақалаштирилган тарзда ёндашувни талаб қилувчи ижара ва пудратнинг хусусиятларини ҳам эътиборга олиш лозим.

Фарғонадаги воқеаларга келганда, гарчи ҳамма тафсилотлар аниқлангандан кейингина чуқур, узил-кесил баҳо бериш пайти келсада, иқтисодий омилни ҳам назардан қочирмаслик зарур. Аммо бунда ҳам уқувсизлик, кадрлар сиёсатидаги, идеология ишидаги катта нуқсонлар роль ўйнаганлиги равшан. Ҳозир ижобий программаларни олға суришда асло кучли бўлмаган кишилар ҳам партия раҳбариятини танқид қилишни «уддалашмоқда». Аммо бундай танқидчилар орасида соғлом кучлар ҳам бор — уларни ижобий мулоқотга, партия белгилаган қайта қуриш программасини бажаришда қатнашишга жалб этиш зарур.

20 миллионли Ўзбекистон халқи олдида кенг миқёсли, жуда мураккаб вазифалар турибди. Пахтани эмас, балки толани топшириш масаласида ҳам, деҳқонларга ер беришда ҳам, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини буйруқбозлик асосида «планлаштириш»га барҳам беришда ҳам аниқ-равшан ишларга ўтиш пайти келди. Ҳозир амалий натижаларга эришишга қаратилган барча соғлом кучларни жипслаштириш ҳар қачонгидан кўра зарурдир.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Советининг биринчи сессиясида

(Давоми. Боши биринчи бетда).

В. Г. Колесников электроника соҳасида Ғарбнинг илғор мамлакатлари билан рақобат қилишга интилиш зарурлиги хусусида шубҳа билдирди. Бизнинг мақсадимиз оддийроқ, у ҳам бўлса Ватан саноатининг эҳтиёжларини қондиришдан иборатдир, деди у. Шу муносабат билан номзод Совет Иттифоқи стратегик мулоҳазаларга кўра ва Ғарбнинг камситишдан иборат чеклашлари оқибатида ўз кучларига таянишга ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга мажбур эканлигини уқтириб ўтди.

Мунозараларда сўзга чиққан депутатлар **Р. И. Никитин, Е. Д. Дога, Ф. М. Бурлацкий, Е. П. Велихов, Н. Н. Медведев**, жумладан, халқаро ҳамкорликни бутун чоралар билан кенгайтириш ва чуқурлаштириш зарурлигини таъкидладилар, чунки, уларнинг фикрича, акс ҳолда биз электроника соҳасидаги мавжуд қолоқликни бартараф этишга муваффақ бўла олмаймиз.

Сессия В. Г. Колесниковни СССР электрон саноати министри этиб тайинлайди.

Депутатлар СССР электр техника саноати ва асбобсозлик министри лавозимига тавсия қилинаётган **О. Г. Анфимов** номзодини муҳокама этишга ўтадилар.

Номзод депутатларни тармоқни ривожлантириш концепцияси билан таништира туриб, иқтисодий усуллар асосида бошқарувни такомиллаштириш муаммоларига алоҳида эътибор берди. У июль ойининг бошларидан йигирматадан кўпроқ корхона янги системага ўтганлигини маълум қилди, қаттиқ нормативлардан воз кечиш ана шу системанинг моҳиятидир. Меҳнат коллективлари ишлаб топилган маблағларни ўз хоҳишларига кўра сарфлай оладилар. Аммо бюджет билан ҳисоб-китоб чоғида табақалаштирилган солиқ тартибга солувчилик ролини ўйнайди.

Шу туфайли фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулотнинг юқори сифатли ва рақоботга қобилиятли бўлиши учун, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмларини ўстириш учун фаолроқ курашиш йўлида реал имконият пайдо бўлмоқда. Номзод хом ашё ва материалларни, энергия, маблағларни тежаш муаммоларига катта эътибор берди. Тармоқда социал ишлар билан жиддий равишда шуғулланишмоқда, деди у. Масалан, кейинги уч йил ичида уй-жойларни фойдаланишга топшириш планлари ошириб бажарилди. Бу соҳада саноат қурилишидан олинган қувватларнинг бир қисмидан фойдаланилмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга илгаригидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Бироқ уларни ишлаб чиқариш исталгандек тез ўсаётгани йўқ. Бир қанча буюмлар ҳамон тақчил бўлиб турибди. «Танг жойлар»ни бартараф этиш учун бир қанча цех ва заводларни қайтадан ихтисослаштиришга тўғри келди. Шундай шароитда, деб таъкидлади нотиқ, бошқарувнинг иқтисодий усуллари, унинг одамларга, аниқ-равшан ишларга яқинлашуви министрлик аппаратининг иш услубига тобора кўпроқ айланиб қолмоқда.

Депутатлардан **В. А. Остроухов, А. М. Шамихин, Д. Г. Смирнов** муҳокама этилган масала хусусида ўз фикрларини билдирдилар.

О. Г. Анфимов СССР электр техника саноати ва асбобсозлик министри лавозимига тасдиқланади.

Раислик қилувчи Н. И. Рижковнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг мажлисида қатнашиш учун Бухарестга жўнаб кетиши муносабати билан унинг йўқлигида ҳукумат составига номзодларни кўриб чиқмаслик тўғрисидаги илтимосномасини ўқиб эшиттиради.

Бу илтимос қондирилди.

СССР Олий Советининг кечқурунги мажлиси СССР Олий судини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошланди.

СССР Олий судининг раиси **Е. А. Смоленцевга** сўз берилади. У ўзига билдирилган юксак ишонч учун депутатларга миннатдорчилик билдириб, ўзининг бутун кучи, имкониятлари, қобилиятини Олий суд фаолиятида қонунийлик, холислик ва адолат қарор топишига имкони борича кўмаклашишга сарфлашга ваъда берди.

Нотиқ СССР Олий судининг таклиф этиладиган составини депутатлар муҳокамасига ҳавола қилди. У барча номзодлар юксак малакага ва катта тажрибага эга эканликларини таъкидлади. Улар орасида турли миллат, ёш ва касб-кор вакиллари бор.

Е. А. Смоленцев депутатларнинг саволларига жавоб қайтарди.

СССР Олий Совети қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот комитети раисининг ўринбосари **Ю. Х. Калмиков** сўзга чиқиб, изоҳлар берди.

Муҳокамада депутатлардан **Т. А. Миннуллин, А. А. Генчев, З. В. Голик, Н. Н. Воронцов, М. Р. Сагдиев, К. Д. Лубенченко, И. Н. Грязин, В. С. Подзирук, Т. Х. Гдлян, Р. А. Медведев** қатнашдилар.

Сессия раҳбарлик лавозимларига номзодларни тинглаб, А. М. Филатов ва Р. Г. Тихомировни СССР Олий суди раисининг ўринбосарлари лавозимига кўпчилик овоз билан сайлайди. В. И. Замятин граждан ишлари судлов коллегиясининг раиси, С. Б. Ромазин жиноий ишлар судлов коллегиясининг раиси, Н. А. Петухов ҳарбий коллегия раиси этиб сайландилар. СССР Олий суди аъзолари ва халқ маслаҳатчиларининг муҳокама учун таклиф қилинган барча номзодлари тасдиқланди.

Депутатлар СССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимига С. И. Гусев номзодини қўллаб-қувватламадилар.

СССР Олий суди составидаги бир қанча жойлар ҳозирча бўш турибди. Бу жойларга номзодлар кейинроқ кўриб чиқиш белгиланди.

Раислик қилувчи Конституцияга мувофиқ иттифоқдош республикалар Олий судларининг раислари лавозимларига кўра СССР Олий суди составига киришларини эслатиб ўтди.

Баъзи жорий масалалар кўриб чиқилди. Мажлис тугади.

7 июлда сессия ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).



• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ИСЛОҲОТ ҚИРРАЛАРИ

СТУДЕНТЛАР ЗАВОДДА ЎҚИМОҚДА

«Алгоритм» электрон ҳисоблаш машиналари Тошкент заводи ва политехника институти ҳамкорликда ўқув-илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил этдилар. Олий ўқув юртининг ўнга яқин турли кафедралари корхоналарда ўз филиалларини очмоқдалар. Студентлар корхоналарда «Агат» шахсий компьютерларини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича иш олиб бормоқдалар. Айрим студентларга эса анча мураккаб ишлар ишониб топширилаётир.

Завод коллективининг Тошкент политехника институти кафедралари билан ҳамкорлиги яхши самаралар бераётир. Диплом ва курс ишлари шу ернинг ўзида ёқланаётир. Студентлар сессиядан сўнг практика ўташгагина эмас, балки меҳнат коллективининг ҳақиқий аъзоси сифатида ишлайдилар.

Суратларда: Тошкент политехника институти студентлари В. Орлов ва А. Кузнецов иш устида (юқорида). Пастда эса институт студентлари цех участкаларидан бирида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ суратлари (ЎзТАГ).

• КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланадиган Пленуми олдидан

ДЎСТЛИК МИЛЛАТ ТАНЛАМАЙДИ

Партия ва ҳукуматимиз қайта қуриш жараёнида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга жиддий эътибор бермоқда. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев яқинда Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, қардошларча дўстлик, ҳақиқий интернационализмни барқарор этмай туриб, жамиятни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш қийин. Бунинг учун муайян жойда ишлаётган ва яшаётган турли миллат фарзандлари бир-бирининг тили, тарихи, маданиятини ҳурмат қилишлари, ташвиш ва қувончларини биргаликда баҳам кўришлари лозим. Шундагина ўзаро ишонч, ҳамкорлик риштлари мустаҳкамланиб бораверади.

Маълумки, бу муаммо яқин-яқингача ҳал қилингандек, асрий орзу ленинча кўпмиллатли ҳамдўстлигимизда тўла тантана қилгандек туюларди. Турли миллат ва элатлар орасидаги муносабат ва бирлик кўнгилдагидек деб ишониб, миллатлараро муносабатларга, интернационал тарбияга юзаки ёндашиш билан чекландик. Жойлардаги кўпгина раҳбарлар халқнинг фикри, эҳтиёжлари, айниқса катта миллатлар орасида яшаётган майда миллатлар ва элатларнинг қонуний талаблари билан ҳисоблашмадилар. Натижада субъективистик ёндашишлар, коллегиаллик принципи бузилиши айрим жойларда социал кескинликни вужудга келтирди.

Бундай салбий ҳолатлар, миллатлараро келишмовчиликлар бизнинг областимизда бугунги кунгача рўй бермаган бўлса-да, партия, совет органлари воқеалардан ортда қолмасликлари, зарур бўлганда уларнинг олдини олиш, кескинликка йўл қўймаслик учун ўз вақтида ҳаракат қилишмоқда.

Ягона сиёсий кунларда меҳнаткашлар билдираётган таклиф ва мулоҳазалар, партия, совет, хўжалик ташкилотларига келиб тушаётган ариза ва шикоятлар вақти-соатида чуқур ўрганилиб, имкон даражасида ҳал этилмоқда. Берилаётган саволлар, тушаётган хатлар ва шахсий қабул суҳбатларидан маълум бўлаётирки, турли миллатларга мансуб кишилар эндиликда ўз урф-одати, тили, маданияти ва анъаналарининг унутилиши ва камситилишига йўл қўймасликни, жамиятни бошқариш ишларида, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий турмушда тенг ҳуқуқли бўлишни истайдилар.

Областимизда 80дан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Шу сабабли кундалик ҳаёт партия ва совет органлари турли бўғинларида барча миллат вакилларининг бўлишини талаб этмоқда. Лекин бу — лавозимларни миллатга қараб, механик равишда тақсимлаш деган гап эмас. Биз бу соҳада кадрларнинг сиёсий, амалий ва маънавий фазилатларига биринчи галда эътибор бераяпмиз. Бу принцип демократиялаш ва ошкоралик жараёнлари такомиллашаётган ҳозирги шароитда, айниқса яққол намоён бўлмоқда. Масалан, Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозига директор сайлаш пайтида кўпчилик қрим-татар фарзанди Шавкат Сулаймоновнинг номзодини қўллаб-қувватлади. Совхозда аксарият аҳоли ўзбеклар бўлишига қарамасдан, меҳнатсеварлиги, кишиларга муносабати, маҳаллий шароитни ва одамларни яхши билганлиги туфайли у ана шу лавозимга лойиқ кўрилди. Бу хўжаликда турли миллат вакиллари: ўзбек ва руслар, тожик ва арманлар, татар ва қозоқлар ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Хўжаликда ҳамма соҳадаги план ва мажбуриятлар ошириб бажариб келинмоқда. Совхозда кўплаб интернационал оилалар бор. Масалан, С. Абдуллаев — ўзбек, рафиқаси эса украин, М. Никифорова — рус, турмуш ўртоғи Н. Қорақулов — ўзбек. Бундай интернационал оилалар, коллективлар областимизда жуда кўп. Термиз автобус-таксомотор корхонаси, Термиз дарё порти, 165-қурилиш тресте, Денов ёғ-экстракция заводи шундай кўп миллатли коллективлардир.

Интернационал ташкилотлар, хўжаликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, коллектив аъзолари бир хил шароитда яшаб, меҳнат қилсалар, бир-бирларининг тили, урф-одатлари, анъаналари, тарихини чуқур ҳурмат қилсалар ўзаро даъволар, келишмовчиликлар бўлмайди. Аксинча, бу ерда ҳурмат, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ҳукм суради. Масалан, Денов районидаги Ленин орденли «Ҳазорбоғ» совхозида 35 йилдан бери бош инженер бўлиб ишлаб келаётган Валентин Кан шундай дейди: «Миллатим корейс. Лекин ҳаётимни ўзбекларсиз тасаввур эта олмайман. Боиси, Тошкентда туғилдим, болалигим ўзбеклар орасида ўтди. Уларнинг тилини, урф-одатларини пухта ўзлаштириб олдим. Кейинчалик Ўзбекистон тарихини ўргандим. Навоий, Ҳамза асарларини ўқидим. Ўзбекча кундалик матбуот нашрларини ўқиб боришга одатландим. Совхозда асосан ўзбеклар истиқомат қилишади, лекин мени ҳеч ким бошқа миллат вакилисан деб, ҳеч қачон яккалаб қўйгани йўқ. Илгарилари Валижон ака дейишар эди, энди эса Вали бобо дейишади».

Ҳозирги пайтда областнинг Бойсун районида 39 процент, Сариосиё районида эса 31 процент тожик миллатига мансаб аҳоли истиқомат қилади. Шуни ҳисобга олиб, бу районларда 34 та тожик мактаби, 28 та аралаш мактаблар ташкил қилинди. Бойсун районининг «Ғалаба», Сариосиё районининг «Сариосиё ҳақиқати» газеталари 1988 йил октябридан бошлаб, бир саҳифасини тожик тилида чиқармоқда. Область радиосида тожик тилида эшиттиришлар ташкил қилинди. Фақат шу ўқув йилида область бўйича 145 та тожик тилида ўқиладиган биринчи синфлар ташкил қилинди ва уларга 3,5 мингга яқин ўқувчи жалб этилди. Булардан ташқари областда 117 та рус тилидаги мактаб ишлаб турибди. 10 та мактабда эса рус-ўзбек тилларида дарслар олиб борилмоқда. Сариосиё ва Бойсун районларида тожик тилидаги группалар мавжуд.

Шу билан бирга турли тилларда дарсликлар, турли фанлар бўйича ўқитувчилар етишмаслиги бугунги кунда жуда сезилиб қолди. Бу борада умумий куч-ғайрат сарфлаб, ўзаро кадрлар айирбошлаш, ёшларни олий ўқув юртларига ўқишга юбориш, миллий тиллардаги дарсликлар, бадиий ва бошқа адабиётлар чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Биз келгуси ўқув йилидан бошлаб, Тожикистон республикасининг Хатлон области билан абитуриентлар айирбошлашни келишиб олдик. Шунингдек, Тожикистондаги ўзбек синфлари ўқитувчилари Сурхондарёда, биздаги тожик синф ўқитувчилари эса у ерга бориб малака оширадилар. Ҳар икки область халқ таълими бошқармаси биргаликда ўқувчиларнинг спорт мусобақалари, қўшиқ ва музика байрамлари ўтказишни мўлжаллаяпти.

Областда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ёшлар орасида интернационал тарбияни шакллантиришда дўстлик фестиваллари, миллий адабиёт кунлари, санъат байрамлари ва спорт мусобақалари ўтказишга катта эътибор берилмоқда.

Ҳар йили Сариосиё райони меҳнаткашлари билан Тожикистон ССР Турсунзода райони меҳнаткашларининг дўстлик фестиваллари ўтказилиб, бу икки халқ бир-бирининг ютуқларидан илҳомланиб, ташвишларига шерик бўлиб, интернационал тарбияга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу йил 7 май куни Мирзо Турсунзода шеъриятига бағишланган анъанавий байрамда сариосиёлик меҳнаткашлар, халқ бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашдилар. Бойсун районининг «Шалола» халқ ансамбли Душанбе шаҳрида ўтказилган ёшлар фестивалида иштирок этди. Халқлар дўстлиги орденли Т. Г. Шевченко номидаги Душанбе давлат педагогика институти коллективи ҳам Термизда меҳмон бўлиб, Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институти коллективи билан дўстлик кечаси ўтказди. Келажакда студентлар айирбошлаш, илмий ҳамкорлик ва бошқа соҳаларда биргаликда ишлаш тадбирлари белгиланди. Халқлар дўстлиги шиори остида Туркманистон ССР Чоршанги районида ўтказилган фестивалда областимиз партия, совет ходимлари делегацияси билан биргаликда халқ ансамбллари, шоирлар, спортчилар, чавандозлар иштирок этиб, қўшни туркман халқининг ҳурматига сазовор бўлдилар. Мамлакатимиз халқлари билан дўстлигимиз ва ўзаро ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиши давр тақозосидир. Сурхондарё области иқлим жиҳатдан қулай шароитга эга бўлганлиги туфайли бундан буён Сибирь ва марказий шаҳарларга эртаги сабзавот ва полиз маҳсулотлари, узум ва ҳўл мева етказиб беришга қарор қилинди. Улар эса бизга водопровод ва газ қувурлари, нефть маҳсулотларини керакли ча етказишда ёрдам берадилар.

КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатлар масаласига бағишланадиган Пленумига ҳозирлик кўрмоқдамиз. Бу борада областимизнинг барча район ва шаҳар партия комитетларида ишчи-ёшлар ва студентлар билан учрашувлар ўтказилди. Уларга область партия, совет органлари социал, маданий-маиший ва озиқ-овқат муаммоларини қандай ҳал қилаётганликлари, бу соҳаларда олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида батафсил сўзлаб бердик. Бундай учрашувлардан кўзда тутилган яна бир мақсад одамларнинг шу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини эшитишдан иборат эди. Партия ва совет органлари ишида ана шу соҳаларда йўл қўйилаётган нуқсонлар ва муаммоларни изчил ҳал этиш юзасидан айтилган таклиф ва мулоҳазалар ҳозир умумлаштирилмоқда. Улар, албатта, ижобий ҳал этилади.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорлари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар партия комитетлари эътиборини қилинган барча ишларни ижобий идрок этишга, ғоявий-тарбиявий ишнинг энг таъсирчан усул ва услубларини топишга, бу соҳада рўй бераётган барча расмиятчиликларни тугатишга қаратди. Бу талаб интернационал тарбияга нисбатан ҳам тўла тааллуқлидир. Бу иш комплекс тарзда, изчиллик билан, шу куннинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда олиб борилсагина муваффақият қозониши мумкин. Область партия ташкилотининг диққат-эътибори ана шунга қаратилгандир.

Т. МЕНГЛИЕВ,
Сурхондарё область партия комитети секретари.

ҚАЛБИМИЗ ДАЪВАТИ

Самарқанд областининг Хатирчи районида турли миллатларга мансуб кишилар меҳнат қилишади. Район хўжаликларида бўлиб ўтган митингларда одамлар Фарғона областида содир бўлган воқеалар ҳақида қаҳр-ғазаб ва алам билан гапирдилар. Қайта қуриш маъқул бўлмаётган, ўтмишга қайтишни истаётган кимсалар оломоннинг тажовузкор хатти-ҳаракатларини қасддан келтириб чиқарганликлари таъкидланди.

«Москва» колхозида бўлган митингда бригадир С. Қличев сўзга чиқиб, бундай деди:

— Биз турли миллат кишиларининг анъаналари ва урф-одатларини ҳурмат қилишимиз, юзага келувчи барча муаммоларни биргаликда ҳал этишимиз керак. Куч-ғайратларни бирлаштирган тақдирдагина турмушни яхшилашга эришиш мумкин.

Митингларда месхети турклари қадрдон жойларига қайтиб келишлари, меҳнаткашлар иғвогарликларга ва миш-мишларга учмасликлари тўғрисида даъват сўзлари янгради.

М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқини колхозчилар астойдил қўллаб-қувватладилар.

(ЎзТАГ).

• *НАЗАРИЯ МАСАЛАЛАРИ* •

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК

Республикалар сиёсий, социал-иқтисодий тараққиётининг негизи шунда

> **Федерация составида халқларимиз иқтисодий, социал ва маданий тараққиётнинг катта йўлини босиб ўтдилар... Эндиликда ҳар бир алоҳида республика ҳам, умуман федерациямиз ҳам замонавий цивилизациянинг улуғвор муваффақиятларини намойиш этмоқда.**
>
> (М. С. Горбачевнинг Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқидан).

СССР халқ депутатлари съездида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлаётган муаммолар ҳам кенг муҳокама қилинди.

Хўжалик юритишнинг ҳаддан ташқари марказлаштириб юборилганлиги, бюрократик марказлашувга қарши кураш чоралари ҳам ана шулар жумласидандир.

М. С. Горбачев олға сурган «Кучли марказ ва кучли республика бўлсин» деган шиор ўз навбатида федератив муносабатларни ҳам тақозо этади.

Бу федератив муносабатларнинг қарор топиши оловли тўрт фронт қуршовида қолган Совет Туркистонини чет эл интервентлари ва ички контрреволюция ҳуружидан халос этган эди. Ўрта Осиёда хонлик ва амирлик зулмига чек қўйишда муҳим омил бўлди. Россия федерацияси ҳатто Бухоро ва Хоразм халқ Совет Республикалари ҳуқуқини Генуя конференциясида халқаро майдонда ҳимоя қилди. Ҳолбуки, РСФСР билан мазкур республикалар ўртасидаги муносабатлар халқаро муносабатлар тарзида эди.

РСФСР билан Туркистон АССР ўртасида федератив муносабатларнинг юксак поғонага кўтарилиши Ўрта Осиё ва Қозоғистон регионида миллий-давлат қурилишининг гуркираб ўсишига ёрдам қилди. Буни амалда таъминлашда РСФСРнинг ҳар жиҳатдан кўрсатган ёрдами миллий-давлат чегараланиши оқибатида вужудга келган автоном область ва республикаларнинг жадал ривожланиб, илғор республикалар қаторига чиқиб олишига кўмаклашди. Ёки бошқа мисол. Ўзбекистоннинг ССР Иттифоқи (федерацияси) составидаги ҳуқуқий ҳолати Улуғ Ватан уруши йилларида унинг мустаҳкам фронт орқаси истеҳкомига, қурол-яроғ аслаҳахонасига, минглаб етим-есирлар учун улкан хонадонга айланганлигида намоён бўлди.

Мустаҳкам ва аҳил Иттифоқ Ашхобод ва Тошкентда, Арманистон ва Тожикистонда даҳшатли кучли зилзила оқибатларини бартараф этишда, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларга янада кўркам, янги қиёфа бахш этишда ўз куч-қудратини намоён этмоқда.

Ўртоқ М. С. Горбачев шахсий нафсониятга муккасидан кетган баъзи бир экстремистлар хусусида ҳаммамизнинг дилимиздаги ҳақ гапни айтди: «Улардан сиз билан бизнинг қадриятларимизни, ишчилар билан деҳқонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишларини кутиш беҳуда». Агар эндиликда республикалар ҳуқуқларининг тобора кенгая бораётганлигини назарга олсак, экстремистлар қилаётган даъволар бебурд эканлиги янада яққолроқ кўзга ташланади.

Халқлар Иттифоқ давлатига ўз миллатини ҳар жиҳатдан равнақ топиши учун, ўз миллий хусусиятларига барҳам бериш учун эмас, балки уни асраш ва ардоқлаш учун бирлашганлар.

Федерацияни мустаҳкамлаш ва миллий давлатчиликни ривож топтириш бу икки ёқлама яхлит жараёндир. Бу миллий давлатчиликни ривожлантириш орқали федерацияни мустаҳкамлаш ҳамда федерация орқали миллий давлатчиликни ривож топтиришдир. У ёки бу томонга оғмачилик албатта нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Ё унитаризм ёки конфедерация нишоналари дағал тарзда намоён бўлади. Бу шароитда шовинизм ва миллатчилик жонланади.

Ўтмиш тажриба шуни кўрсатадики, ҳаддан ташқари марказлашувга берилиб кетиш миллий-давлатчилик обрўсини тушириб юборди. Ленин қаттиқ танқид қилган «автономлаштириш» плани Сталин томонидан номигагина бекор қилинган эди. Ленин вафотидан кейин ўтган даврларда федерация билан унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар амалда машъум «автономлаштириш» планига деярли яқинлаштириб қўйилган эди. Бунинг таъсири ҳозиргача сезилиб турибди. Республикалар номигагина суверен бўлиб келганлар. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат қайта қуриш шароитида албатта барҳам топиши керак.

Бинобарин, КПССнинг таркибий қисми бўлмиш иттифоқдош республикалар Компартияларининг шаънини мустаҳкамлаш борасидаги республика партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар ҳар тарафлама таҳсинга сазовордир. Бу ҳолатни республикалар Конституциясида аниқ ва равшан мустаҳкамлаш зарур.

Туркистон АССР Конституциясида (1920) федерал Марказ (РСФСР) ҳал қилиши лозим бўлган ва Туркистон АССРнинг ўзи бевосита ҳал этадиган масалалар ҳатто яқин-яқиндагина қабул қилинган ўша типдаги Конституцияларга қараганда жуда аниқ ва равшан баён қилинган. 1936 ва 1977 йилги СССР Конституцияларида, республикалар Конституцияларида уларнинг суверен ҳуқуқларига оид бўлим ёки бобларни учратмаймиз. Ҳолбуки, бундай боб СССРнинг 1924 йилги Конституциясида равшан берилган.

Дарвоқе, СССРнинг 1924 йил Конституциясида ҳаммаси бўлиб 5 умумиттифоқ ва 5 қўшма халқ комиссарликлари тузиш кўзда тутилган эди. Ҳолбуки, 70-йиллар охиригача мамлакатда 80 дан ортиқ марказий министрлик ва идоралар ҳукм суриб келди. Съезд иш кўриб турган пайтда эса, уларнинг сони юздан ошиқ эди.

Республикаларнинг ўз-ўзини бошқариш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни тобора ривожлантириш принципига ўтиши манфаатларни уйғунлаштиришнинг янги йўналишидир. Ҳозирги кунда мамлакат бутун саноат маҳсулотининг сал кам беш процентигина бевосита республикалар саноати зиммасига тўғри келади. Республикалар марказлаштирилган давлат капитал маблағларининг бешдан бир қисми юзасидангина тасарруф юритаоладилар. Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар оладиган фойданинг икки процентигина республикалар бюджетидан жой олган.

Эндиликда иттифоқ корхоналари оладиган фойдадан деярли 40 процент тўлов республикалар бюджетига ўтказилади. Натижада республика бюджети даромадидаги улуш 20 процентгача кўтарилади.

Республикаларнинг давлат марказлаштирилган капитал маблағ сарфидаги улуши бир ярим-икки баробарга ортади. Республикалар саноати улуши умуман 8—10 мартага ўсади. Булар жуда сезиларли ўзгаришлардир.

Товар-пул муносабатлари, улгуржи савдонинг ривожланиши, ягона иттифоқ социалистик бозорининг шаклланиши республикаларнинг регионлараро ўзаро фойда келтирадиган эркин алоқаларини йўлга қўйишга ёрдамлашади.

Шунингдек, ташқи савдо фаолиятида республикаларга кенг ҳуқуқлар берилиши ўз эҳтиёжлари учун валюта маблағларига эга бўлиш имконини беради. Албатта, ҳали Умумий принципларни маҳаллий хўжалик тўғрисида тайёрланаётган Қонун билан бир-бирига яқинлаштириш ва боғлаш керак бўлади. Сиёсий ислоҳотнинг амалга оширила бориши ва социалистик ҳуқуқий давлатнинг қарор топа бориши жараёни умумий принципларнинг жорий этилиши учун қулай шарт-шароит яратади.

Ўрта Осиёнинг, хусусан Туркистон АССРнинг Амударё музофоти (бўлими)нинг 20-йиллардаги миллий давлат қурилиши тажрибасига назар ташласак, жуда бой мерос эгаси эканлигимизни биламиз. Масалан, партия комитетлари ҳузурида мусулмон коммунистлари бюроси ва секциялари, миллатлар ишлари бўлимлари мавжуд эканлигини, маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия комитетлари қошида ўзбек, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, туркман, тожик, татар, арман, украин ва бошқа миллий секциялар, хотин-қиз ишчилари бўлимлари бўлганлигини кўрамиз. Булар миллий сиёсатни амалга оширишда, хусусан давлат аппаратини мустаҳкамлашда катта роль ўйнаганлар. Айниқса ўлкани бошқариш ишларига маҳаллий аҳоли турмуш тарзини, урф-одатларини ва тилини биладиган турли миллат вакилларининг жалб қилинганлиги В. И. Ленин барҳаётлиги давридаги миллий сиёсат принципларининг бебаҳо қадриятларидандир. Иш юритишнинг маҳаллий тилларда олиб борилганлиги ҳам муҳим тажрибадир.

Шу боисдан ҳам ҳозирги вақтда партия ташкилотларимизнинг маҳаллий ва марказий органлари ҳузурида, совет органларида ана шу тарздаги (айнан ўшандай эскича бўлиши шарт эмас, албатта) бюро, бўлим, ёки секциялар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Эндиликда республикаларда ҳам миллатлараро муносабатлар комиссияларининг тузилиши ғоят мақбул тадбирдир.

ЯНГИ ҚЎҚОН ХИМИЯ ЗАВОДИ ЁПИЛДИ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети Янги Кўқон химия заводини бутунлай тўхтатиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўтган йилда бошланган тадқиқотлар натижасида идорадан ташқари текширувлардан сўнг заводнинг Сўхдаги ноёб ер ости сувлари кони устида жойлаштирилганлиги жуда қўпол хато бўлганлиги тан олинди. Корхонага 1 августга қадар қолган хом ашёни қайта ишлаш рухсат этилди сўнг химия заводидан фойдаланиш бутунлай тўхтатилади.

Ҳозирнинг ўзида олтингугурт кислотаси ишлаб чиқарадиган ва фосфор экстракция қиладиган цехлар тўхтатиб қўйилди. Ана шу моддаларни ташиб кетиш чоғида атроф-муҳитга зиён етказиш эҳтимолидан холи бўлиш учун кислоталар ва аммиакнинг сўнгги запасларини қайта ишлаш керак. Улардан қутилиш эса жуда зарур: саратон кунларида аммиак сақланадиган идишлардаги босим кучаяди, кислота металлни емиради. Ҳар бир кун ҳисобда турибди.

Завод қурилишига 120 миллион сўм сарфланган эди. Корхона қуриладиган ерни СССР Химия саноати министрлиги республика Министрлар Советининг розилиги билан 1972 йилда танлаганди.

Ана шу қўпол хатога йўл қўйган айбдорлар билан республика прокуратураси шуғулланади. Мутахассислар етказилган зарарни аниқлайдилар ва бу зарар белгиланган тартибда ундириб олинади. Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан тузилган идоралараро комиссия СССР Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги билан Янги Қўқон химия заводига зудлик билан ифлосланган ер ости сувларини тозалаш юзасидан ишга киришишни таклиф этди. Завод корпусларининг истиқболи ҳақидаги масалани ҳал этишни ҳам кечиктириш керак эмас — чунки бир ярим минг киши ишдан маҳрум бўлди!

Нохимиявий, экология жиҳатидан соф ишлаб чиқариш вужудга келтирилиши лозим. У қандай корхона бўлишини маҳаллий Советлар манфаатдор ташкилотлар ва жамоатчиликнинг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишлари керак. Фарғона область ижроия комитети Сўх ер ости сувлари районида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши структурасини ҳам ўзгартириши керак. Бу ерда 1990 йилдан бошлаб ўғитлар, пестицидлар ва бошқа химикатларни қўлланиш ва уларни тўплашни тўхтатиш зарур.

Сўх тошлоқ ерлари 416 квадрат километрни эгаллайди — эндиликда мана шу бутун районга алоҳида қўриқланадиган зона сифатида қаралмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети текшириши натижасида бу ерда биргина эмас, табиатга зарар келтираётган 50 га яқин халқ хўжалиги объектлари борлиги аниқланди. Улар орасида Қўқон ёғ-мой комбинати ҳам бор.

Агар табиатни инқирозга маҳкум этаётганларнинг кирдикорларини аниқлаб, уларнинг пайи қирқилмаса, Янги Қўқон химия заводи ёпилишига қарамай, асоратлар сақланиб қолаверади, бу эса дард устига чипқон бўлади.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзТАГ мухбири.

• Пишиқчилик арафасидаги ўйлар

ЭКИН МАЙДОНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА, АММО...

Анъанавий мева-сабзавотчилик ўлкаси ҳисобланган Фарғона областида бу йил мевазор боғлар, сабзавот-полиз экинлари майдонлари кескин кенгайди. Аҳолини мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш худди шуни тақозо қиляпти.

Областда бу йил 8 минг 414 гектар ерга сабзавот экилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 3 минг 623 гектарга кўпдир. Колхоз-совхозлар бўйича сабзавот тайёрлаш планлари оширилди. Агар 1986 йилда 98 минг тоннадан ортиқ сабзавот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил 190 минг тоннага яқин маҳсулот тайёрлаш плани белгиланган.

Дарҳақиқат, илгари областда мева-сабзавот тайёрлаш планлари асосан аҳолининг шахсий томорқаларидан чиққан маҳсулот ҳисобига бажарилар, хўжаликлар эса асосий эътиборни пахтачорва ривожига қаратардилар.

Шу боис деҳқонларнинг пахтадан бўшаган майдонларга мева-сабзавот маҳсулотлари экаётганлиги таҳсинга лойиқ. Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу масалага катта эътибор берилди.

Бироқ сабзавот экинлари майдонларининг кенгайиши уни қайта ишлаш саноати қувватларини ҳам ошириш билан боғлиқ ҳолда боряптими? Минглаб гектар ерлардан етарли даражада сабзавот олинадими? Белгиланган планлар ва ердан олинадиган реал ҳосил миқдори ўртасидаги фарқ қандай?

Бу ўринда ҳали чуқур мулоҳаза юритишга лойиқ муаммолар кўп. Мутахассисларнинг фикрича, сабзавотни кўпайтиришга унинг майдонларини кенгайтирибгина эмас, балки мавжуд ерлар ҳосилдорлигини ошириш эвазига ҳам эришиш мумкин экан. Уста сабзавоткорлар ҳар гектар ердан олинадиган маҳсулотга белгиланган план етиштириладиган ҳосилга нисбатан озлиги ҳақида гапирадилар. Бу ғайри табиий ҳол, бироқ фактлар шуни тасдиқлайди.

Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхоз раисининг ўринбосари Йўлдошали Ҳожиматов узоқ йиллардан буён сабзавотчилик билан шуғулланиб келади. У оилавий звено бошлиғи бўлиб ҳам ишлаган ва юқори кўрсаткичларга эришган.

— Икки йил муқаддам Ленин номли колхозга бирлаштирилган Муқимий номли колхозимиз асосан помидор етиштиришга ихтисослашганди. — деди Йўлдошали ака, — Бироқ помидор кўпинча нест-нобуд бўларди. Ундан юқори ҳосил олингани билан йиғиб-териш, сотиш қийин. План ҳам оз белгиланган. Масалан, бу йил биз 420 гектар ерга помидор экдик. Ундан 11 минг 215 тонна ҳосил олишимиз керак. Бироқ аслида ундан икки баробар кўп помидор олиш мумкин. Ҳар гектар ерда ўртача 50 минг донадан помидор кўчати бор. Агар ҳар бир тупдан ўртача бир килограммдан ҳосил олсак ҳам, 16 минг тонна помидор териб оламиз. Ҳолбуки, яхши парвариш қилинса, бир туп помидор кўчати 5-6 килограммгача ҳосил бериши мумкин. Бу ёғининг ҳисоб-китобини чиқариб олаверинг...

Область бўйича бу йил помидорнинг ҳар гектаридан 23,2 тоннадан ҳосил олиш планлаштирилган. Ўтган йилги натижалар эса яна ҳам паст. Областда ўртача ҳар гектар ердан атиги 19,6 тоннадан помидор олинган, Фарғона районида бу кўрсаткич 14,6, Охунбобоев районида эса 15,6 тоннани ташкил этади. Бу ернинг умрини беҳуда ўтказиш эмасмикин?

Шахсий хўжаликлар томорқаларидаги И. Ҳожиматов, О. Сайдалиев сингари уста деҳқонлар раҳбарлик қилаётган ишлаб чиқариш бўлинмаларида ҳар гектар ердан 100 тоннадан ортиқ помидор ҳосили етиштирилган пайтда, Олтиариқ райони хўжаликларида атиги 5,5 тоннадан помидор олинганлигига нима дейсиз?

Айтиш мумкинки, планлар ернинг реал самарадорлигига асосланмаган. Аслида мавжуд ерлардан пландагига нисбатан икки-уч баравар ортиқ ҳосил етиштирилади. Хўш, нима бўпти, бу қайтанга яхши-ку, дейиш мумкин. Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам бор: сабзавотни қайта ишлаш, сақлаш, сотишга оид ишлар юқоридаги планлардан келиб чиқиб режалаштирилади-ку! Ҳосил мўлжалдагидан кўпайиб кетган тақдирда ўз-ўзидан талай муаммолар пайдо бўлади.

Бу йил область колхоз-совхозларида ва аҳолининг шахсий томорқаларида жами 384 минг 500 тонна сабзавот ишлаб чиқариш планлаштирилган. Бу жуда катта рақам, бироқ ҳақиқатда етиштириладиган ҳосил бунга нисбатан кўп. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда, областда йилига ярим миллион тоннага яқин сабзавот етиштириларкан.

Сабзавоткорлар учун ҳосил етиштириш биринчи даражали эмас, балки уни реализация қилиш асосий ишга айланиб қолган. Дарҳақиқат, ёз ойлари консерва заводлари ва тайёрлов идоралари дарвозалари рўпарасида турнақатор тизилган сабзавот ортилган машиналарни кўп кўрасиз. Дадил айтиш мумкинки, етиштирилган ҳосилнинг жуда катта қисми йўлдаёқ нобуд бўлади. Асосий иллат тайёрлов органлари ишининг яхши ташкил этилмаганлиги ва қайта ишлаш саноати қувватларининг камлигида. Областда бешта мева-сабзавотни қайта ишловчи консерва заводи бор. Улар йил давомида атиги 71 минг тонна сабзавотни қайта ишлаши мумкин. Бу эса областда етиштирилган сабзавотнинг олтидан бир қисмини ташкил қилади, холос. Афсусланарлиси шундаки, бу корхоналар мавжуд қувватлардан ҳам тўлиқ фойдалана олишмаяпти. Масалан, ўтган йили уларда атиги 65 минг тонна сабзавот қайта ишланди. Фарғона консерва заводи областда шу тармоқдаги энг йирик корхона. Корхонада минг тоннадан ортиқ помидорни қайта ишлаш цехи бор. Афсуски, цех ўз қувватининг 70—80 проценти миқдорида ишлайди.

— Заводни кенгайтириш режаларини тузяпмиз, — дейди корхона директори М. Файзиев. — Реконструкциялаш ва янги қурилмалар ўрнатишга 2 миллион сўм чамаси харажат кетади. Агар бу иш амалга ошса, заводда 35—40 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш мумкин бўларди. Район раҳбарлари корхонани кенгайтириш учун ер ажратишга тайёр.

Етиштирилган ҳосилни сақлаш, сотиш масаласи ҳам бир мунча тиғиз. Областда 25 та ихтисослаштирилган мева-сабзавотчилик хўжаликлари бор. Шулардан фақат Усмон Юсупов номли совхозигина ўз махсус сабзавот омборига эга. Бошқа хўжаликларда қурилаётган омборларни ишга тушириш муддатлари пайсалга солиб келиняпти. Областда фақатгина битта — область матлубот жамиятлари союзига қарашли замонавий 1,5 минг тонна мева-сабзавот сақланадиган омбор бор, холос.

Область озиқ-овқат комиссиясининг йиғилишида мавжуд консерва заводларининг мавсумга тайёргарлиги қониқарли эмаслиги таъкидланди. Заводлар раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз, улар сабзавотни қайта ишлашдан корхона кам фойда кўришидан нолийдилар. Чунончи корхона хўжаликлардан бир тонна помидорни 150 сўмданга олади. Бу маҳсулот қайта ишланиб истеъмолчиларга тақдим қилинаётганда эса унинг нархи 140 сўмни ташкил этади. Корхоналар хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаётган пайтда мавжуд нархлар масаласи албатта қайта кўриб чиқишни тақозо қилади.

Умуман сабзавотчиликда аллақачон қайта ишлаш саноатини хом ашё манбалари жойлашган ернинг ўзида барпо қилиш муддати келди. Республикамизда бир қатор агросаноат комбинатлари, агрофирмалар мавжуд. Мазкур хўжаликларда маҳсулотни етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, аҳолига етказиб бериш жараёнлари ўзаро боғланган. Афсуски, Фарғона областида бундай мисоллар йўқ даражада. Тўғри, бу соҳада айрим изланишлар кўзга ташланади. Масалан, Бувайда районидаги Карл Маркс номли колхозда анжир консерваси ишлаб чиқарувчи кичкина завод фаолият кўрсатяпти. Кўпгина сабзавотчилик хўжаликларида помидордан томат ишлаб чиқарадиган оддий цехлар бор. Аммо аксарият хўжаликларда бу соҳадаги ишлар талаб даражасида эмас.

Хўш, аҳволдан чиқишнинг йўли борми? Ҳа, ички резерв ва имкониятлардан фойдаланиб, хўжаликларнинг ўзида маҳсулотнинг бир қисмини қайта ишлаш учун шарт-шароитлар вужудга келтириш мумкин. Масалан, помидор, бодринг консервалари, тузламалар тайёрлаш учун жуда ҳам мураккаб технологияли ишлаб чиқариш линияси бўлиши шарт эмас. Олтиариқ районидаги «Бирлашган» матлубот жамияти бу йил яхши бир ишни режалаштирибди. Олтиариқда бодринг кўп бўлади. Матлубот жамияти ҳузурида бодринг консервалари тайёрлайдиган кичкина цех очиляпти. Бунинг учун ишчи кучи етарли. Тегишли санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинган ҳолда уй шароитида консерва тайёрлайдиган асбоб-ускуналар ёрдамида ишни йўлга қўйишмоқчи. Шу оддийгина цехда ҳам кунига 300—400 шартли банка консерва ишлаб чиқарса бўлар экан. Колхоз-совхозларда ҳам мана шундай микроцехлар ташкил этилса, нобудгарчиликнинг олди олинган бўларди.

Ўтган йили 94 минг тоннадан ортиқ сабзавот областдан ташқарига юборилди. Иқтисодий ислоҳот шароитларида колхоз-совхозларнинг ўзлари ҳам Россия Федерацияси областлари, Сибирь, Узоқ Шарқ ўлкаси шаҳарларига маҳсулот етказиб беришдан манфаатдор бўлмоқдалар. Лекин бу соҳада ҳам камчиликлар кўп. Самолёт ёки поездга юк ортиб жўнатишнинг қанчалик мушкул иш эканлигини сабзавоткорлар яхши билишади. Вокзал ёки аэропортда сабзавот юкланган машиналар икки-уч кунлаб қолиб кетади.

Дарҳақиқат, Қўқон группа районларидаги сабзавоткорлар бориш-келиш билан 200 километр масофа — Фарғона аэропортига юк олиб боришлари керак.

— Аэропортимиз метеорологик шароитларга кўра энг қулай ҳисобланади. Чунки бизда туман кам, аксарият ҳолларда ҳаво очиқ бўлади, — деди Қўқон бирлашган авиаотряди командири Мурод Муҳиддинов. — Афсуски, учиш-қўниш йўлларининг талабга жавоб бермаслиги туфайли биз юк самолётларини қабул қила олмаймиз.

Учиш-қўниш майдончаларини реконструкциялаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари аллақачон тайёрланган. Область Совети ижроия комитети қарорига мувофиқ шу мақсадлар учун 98 гектар ер ажратилганлигига қарамай бу иш пайсалга солиб келиняпти.

Хуллас, область сабзавотчилигида зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган қатор масалалар мавжуд.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ШАРАФИ

Сирдарё область Арнасой районидаги Васильевский номли совхоз сут-товар фермаси 1988 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш якуни бўйича юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун КПСС Марказий Комитетининг Фахрий Ёрлиғи билан тақдирланди. Фермага 1 та автобус, 4 минг сўм пул мукофоти ҳам берилди. Буларга чорвадорларнинг тинимсиз фидокорона меҳнати туфайли эришилди. Ўтган йилги муваффақиятни мустаҳкамлаш учун қизғин кураш давом этмоқда.

Суратда: совхоз партком секретари Қ. Ҳасанов, совхоз халқ контроли группаси раиси Қ. Қораев, унинг аъзолари А. Холматов ҳамда соғувчи Я. Бидоновалар озуқа сифатини кўздан кечирмоқдалар.

У. ҚЎШВОҚОВ сурати.

Совет федерацияси автономиялар ролининг тобора ошишига қулай шароит яратади. Бинобарин, автономия билан федерациянинг бирга қўшилиши тажрибада, федерация атрофига совет давлатчилигининг турли формалари доирасида ихтиёрий бирлашишга имкон берди.

Машаққатли тарихий жараён, унинг тажрибаси ленинча принципларнинг социализм талаблари нуқтаи назаридан ҳаққонийлигини исботлади.

Социалистик интернационализм мафкураси қарор топган ва ўзига кенг йўл очаётган ҳозирги шароитда ватанпарварликни миллий маҳдудлик ва манманлик билан чалкаштириб юбораётган айрим шахсларни ҳам учратиш мумкин. Бундайлар миллатлараро муносабатдаги «салбий» ҳолатларнинг манбаи гўё катта миллат кишиларидан келиб чиқадиган шовинизмдадир деб биладилар. Аксинча, шовинистик кайфиятдаги киши бу соҳадаги ҳамма қийинчиликлар — бу миллатчилик туфайлидир, деб ўйлайдилар. Катта миллатнинг кичикроғига нисбатан миллатчилиги бу—шовинизмдир. Ҳар қандай миллат вакилларининг ҳам муайян регионда озчиликни ташкил этган бошқа миллатларга нисбатан миллатчилик руҳидаги чиқишлари ҳам — шовинизмдир. Шунинг учун марксизм-ленинизм шовинизм ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз.

Миллий маҳдудликнинг хунук кўринишларидан бири давлат ва жамият қарамоғида яшашга кўникиб қолиш кайфиятидир. Бундай кайфият ҳатто теран ақл-ҳушни ҳам саёзлаштиради, ҳақиқий ишчанликни палаж қилиб қўяди, доимо ўзга ёрдамга умидворлик руҳида яшашга одатлантиради. Бирон бир миллатга мансублик бу имтиёз таянчи ҳам эмас, камситилиш манбаи ҳам эмас, шунингдек миллий белгиларга қараб мансабларни белгилаш ҳам эмас. Модомики, ана шундай ҳолга йўл қўйилар экан, демак, бу интернационализмни емиришдан бошқа нарса эмас. Мансабларни механик тақсимлаш эса сохта ишбошилар, «оқсоқоллар», «йўлбошчиларни» бунёд этади.

Бинобарин, ҳар бир миллат ва элатнинг тарихи, тили, маданияти ва шаънига чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлишгина чинакам интернационализм ва ҳамкорликни юзага келтириши мумкин.

Кадрлар танлашнинг муҳим мезони — сиёсий ва маънавий хислат, ишчанликдир. Бинобарин, масъул лавозимларга маъмурий-буйруқбозлик даврида сайқал топган, бутун вужуди билан занг босиб қолганларни эмас, балки умумиттифоқ манфаатлари нуқтаи назаридан қараб, теран фикр юрита оладиган ишчан, заҳматкаш, истиқболли кадрларни, хусусан ёшларни — улар қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, маҳаллий аҳоли урф-одатини, турмушини, тилини яхши биладиган, маҳаллий тилда гаплаша олишга мойиллиги бўлган кишиларни сайлаб қўйиш, тайинлаш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда гап маҳаллий органларни ана шундай кадрлар билан таъминлаш хусусида боряпти. 20-йилларда миллий-давлат қурилиши борасида жорий қилинган ленинча талаб ва принциплар тажрибаси шундан далолат беради. Айни вақтда маҳаллий миллат кадрларининг рус тилини кунт билан муттасил ўрганиб боришлари ҳамма вақт зарурат бўлиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса ерли кадрлардан — ўзбеклар ва қорақалпоқлардан ишчилар табақасини кўпроқ етиштириш ниҳоятда муҳим вазифадир.

Модомики, республикамиз суверен давлат экан, давлат маҳаллий миллат номи билан аталаркан, унинг ўз давлат герби, байроғи, гимни, пойтахт ва гражданлиги бор экан, унинг миллий тили ҳам мавжуд экан, демак ана шу миллий тилга давлат статуси бериш табиий ҳолдир. Бу мураккаб масала устида катта иш олиб борилпти, албатта. Она тилимиз луғавий хазинаси илмий-назарий мулоҳаза ва хулосалар учун ҳам ниҳоятда зарур. У кенг миқёсда ижодий фикр юритишга, интернационализм мағзини чақиб кўришга ёрдамлашади.

Партиямиз XXVII съезди материалларида йирик иқтисодий районлар бўйича халқ хўжалигини бошқариш масаласи эътиборга сазовор, деб кўрсатилган. Ҳозирги талаб нуқтаи назаридан 20- ва 30-йиллар бошларида амал қилиб келган Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средазэкосо) тажрибаси чуқур таҳлил қилинаётганлиги ва унинг фаолият методларидан ҳозирги даврга татбиқан фойдаланиш катта аҳамиятга сазовордир.

Ўрта Осиё регионн яхлит халқ хўжалигимиз комплексининг таркибий қисмидир. Бинобарин, иттифоқдош республикалар чегарадош областларининг ўзаро ҳар томонлама ҳамкорлигини кучайтириш керак. Маълумки, чегарага туташ областларда ҳар икки томоннинг вакиллари яшайди. Бу жойдаги халқлар азалдан, ҳозирги чегара белгиланмасдан анча бурун ўзаро иқтисодий, маданий алоқада бўлганлар. Булар — Тошкент, Чимкент, Туркистон, Сайрам, Жамбул, Ленинобод (Хўжанд), Андижон, Ўш, Жалолобод, Тошовуз, Хоразм ва шу каби бирбирларига туташ районлар ўртасидаги муносабатлардир. Комплекс хўжалик ривожланишига иттифоқдош республикалар чегараси халақит бера олмайди. Шу йил февраль ойида Душанбеда регион республикалари ҳукумат вакиллари ўртасида ҳамда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг регионал илмий оммавий конференциясида юқорида айтиб ўтилган муаммолар хусусида қизғин баҳс бўлиб ўтди ва амалий тадбирлар белгиланди. Булар масаланинг бир жиҳати.

Масаланинг иккинчи жиҳати шундаки, ҳозирги кунда Совет федерацияси ва автономияси тажрибаси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунончи, 1930—1932 йиллар давомида Қорақалпоғистон автоном областининг РСФСР составида бўлган чоғида ана шу составдаги бошқа автоном областларга қараганда кенгроқ имтиёзли ҳуқуқлари бўлган. Бу ҳол Қорақалпоғистон автоном области тўғрисидаги Низом моддаларида ўз ифодасини топган эди. Бундай имтиёзли ҳуқуқ ўлкани қисқа фурсатларда оёққа туриб олишига, автоном республика сифатида қайта тузишга имкон берди. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Президиуми ҳузурида Қорақалпоғистон Автономиясининг хўжалик, сиёсий ва маданий манфаатларини ҳимоя қилувчи Доимий Вакиллигининг жорий қилинганлиги ҳам ибратли тажриба. Доимий Вакиллик Қорақалпоғистоннинг барча талаб ва эҳтиёжларини РСФСР давлат ҳокимияти олий ва идора органларида, Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (Средазэкосо)да ҳимоя қилиб келган. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси ҳузурида Қорақалпоғистон АССР вакиллигини қайта тиклаш муҳим.

Шу нарса эътиборга сазоворки, РСФСР халқи салмоқли революцион тажрибага эга. Саноат ишчи синфи салмоғи ҳам юксак даражадаги республикадир. Россия Федерацияси улкан территорияси, ривож топган иқтисодий тузуми ва қудратли социал-сиёсий негизга эгалиги билан ажралиб туради. Бу федерация барча республикаларга янгича миллий-давлат қурилишининг дастлабки андозасини ишлаб берди. Миллатларнинг ва тенг ҳуқуқликка асосланган иттифоқни тузиш ташаббускори сифатида майдонга чиқди ва у ўзини биринчи бор мамлакатнинг барча миллати ва халқлари билан тенгқур деб эълон қилди. Барча ёш республикаларга ҳамма ёрдамни берди ва ана шундай ёрдам бериб келмоқда. Эндиликда бир қанча автоном область ва округлар социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора юксалиб бормоқдалар. Буларни энди тегишли автоном область ва республикалар қилиб қайта тузиш, маъмурий областларни эса, автоном область ёки округларга айлантириш вақти келди. Бундай маъмурий областлар, айниқса РСФСР ва Қозоғистонда анча. Қизиқ, ғоят катта территорияга эга бўлган Қозоғистон составида ҳанузгача автоном шаклдаги бирон бир область ёки округ йўқ.

Маълумки, мамлакатимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар мавжуд. Миллий-давлат тузумлари эса 53 та. В. И. Ленин аҳолисининг миллий состави 50 минг кишини ташкил қилган округларда ҳам миллий автономия тузиш мумкин, деб ҳисоблаган.

Албатта, бундай масалаларни ҳал қилишда бошқа жиҳатлар билан бир қаторда муайян маънавий-сиёсий етуклик ҳам талаб этилади. Биринчи навбатда халқнинг хоҳиши, эркин иродаси — олий қонун ҳисобланади.

1920—1930 йилларда миллий-давлат қурилишининг гуркираб ривожланганлигини, Ўрта Осиё республикаларида миллий-давлат чегараланиши ўтказилганлигини, СССРнинг Иттифоқ давлати сифатида ривож топганлигини биламиз. СССРнинг 1936 йилги Конституцияси қабул қилинганидан кейин бу жараён тўхтаб қолди. Ҳатто баъзи миллат ва элатлар ўз давлатчилигидан маҳрум ҳам бўлиб қолдилар.

Ўйлаймизки, КПСС Марказий Комитетининг миллий ва миллатлараро муносабатларга бағишланадиган Пленуми ана шу масалаларга ҳам тўхтаб ўтади.

Озчиликни ташкил этган, гуж яшайдиган миллатлар учун уларнинг миллий районларини, қишлоқ, овул ёки посёлка советларини ташкил этган маъқул. Уларнинг ўз нашрлари, театрлари, маданий-оқартув муассасалари бўлмоғи лозим.

Республикалараро регионал ҳамкорликни тобора жадаллаштириш кунимизнинг долзарб масалаларидандир. Регионга туташ қардош республикаларининг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини кучайтириш имконияти ва зарурати уларнинг табиий-географик шароитлари, халқларининг тарихий, маънавий ва маиший хўжалик турмуши тарзининг бирлиги билан, анъаналари муштараклиги билан белгиланади. Буларни инобатга олиб иш тутиш миллатлараро муносабат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашади.

Мақсад шундан иборатки, мустақил ва кучли республикалар бўлган тақдирдагина кучли марказ бўлиши мумкин.

Л. ОХУНЖОНОВ,
ҳуқуқшунослик фанлари кандидати, доцент.

Дунё овози

ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ХАБАР БЕРАДИ

Бугунги газеталарнинг, телевидениелар янгилик программаларининг халқаро бўлимларидаги аксарият материаллар М. С. Горбачевнинг Францияга визитига бағишланди.

Олий даражадаги Совет — Франция музокаралари тўғрисида, совет раҳбарининг Франция зиёлилари вакиллари билан учрашувлари ҳақида муфассал репортажлар бериб борилмоқда. М. С. Горбачев билан Ф. Миттераннинг матбуот конференцияси хорижий журналистларда зўр қизиқиш уйғотди.

«Париж — Москва: барча йўналишларда яхшиланиш» — деган сарлавҳа остида Франциянинг «Либерасьон» газетаси Совет Иттифоқидан келган олий мартабали меҳмоннинг визити тўғрисидаги материаллар туркумини эълон қилди. Ҳамма нарса сиёсий иродага боғлиқ, Парижда ҳам Москвада ҳам ана шундай ирода мавжуд, деб таъкидлайди газета.

«Муносабатларимиз жуда яхши йўлга қўйилган», — деб ёзади Франция савдо-саноат доираларининг «Эко» газетаси. СССР билан Франциянинг Ливан хусусидаги баёнотида икки давлатнинг кўпгина сиёсий масалалар борасидаги нуқтаи назарлари мос келди, деб таъкидлайди газета «Агар М. С. Горбачевнинг 1985 йилда Францияга қилган визити янги совет раҳбари билан танишувга айланган бўлса, унинг бу сафар Парижга келиши иккала мамлакатларимиз ўртасида муносабатлар яхши эканлигининг тасдиғи бўлди», деб давом эттирди газета.

Гарчи совет Президенти яна камроқ олислик ракеталари хусусидаги гапларини такрорлаган бўлсада, деб уқтиради «Монд» газетаси, у қуролсизланиш соҳасида нисбатан умидворликни намойиш этди. НАТО мамлакатларининг кўпчилиги ҳозирча ана шу ракеталардан халос бўлишни истамаяпти.

Болгарияда чиқадиган «Работническо дело» газетасининг Франциядан олган репортажи «Умумий куч-ғайратлар билан янада хавфсиз дунё сари» деган сарлавҳа остида чиқди. ЧССРнинг газеталари, радио ва телевидениеси визитнинг дўстона муҳитда ўтаётганини таъкидлаб, парижликларнинг совет раҳбари шаънига айтган самимий сўзларини келтирадилар.

(ТАСС).

М. С. Горбачев нутқлари тўплами ГФРда нашр этилди

«Горбачев Боннда. ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатларнинг келажаги» деган сарлавҳа остида Ғарбий Германиядаги «Пал-Ругенштайн» нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Раиси М. С. Горбачевнинг Федератив Республикага қилган расмий визити вақтида сўзлаган нутқлари тўпламини босиб чиқарди. Бундан ташқари тўпламда ГФР раҳбарларининг нутқлари, визит вақтида имзоланган қўшма баёнот ва бошқа Совет—Ғарбий Германия ҳужжатлари ҳам эълон қилинган.

Бу нашрдан кузатилган мақсад Совет раҳбарининг Рейн соҳилига қилган визити билан боғлиқ бўлган ҳамма гапни бир бутун қилиб тўплашдан ва оммавий китобхонга тақдим этишдан иборат, чунки бизнинг назаримизда бу визит ГФР билан СССР ўртасидаги муносабатларда янги давр бўлди, деди нашриёт раҳбарларидан бири Юрген Харрер ТАСС мухбири билан суҳбатда. Шу воқеа натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги уфқлари очилади ҳамда бу нарса Европада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга жуда яхши таъсир ўтказади, деб умид қиламиз. Биз визитнинг шу қадар муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, мазкур китобни имкони борича қисқа муддатда чиқариб бердик.

М. С. Горбачевнинг визити хусусида ГФРда билдирилган фикр ва мулоҳазалар, деди сўнгра Ю. Харрер, Ғарбий Германия аҳолиси турли доираларининг Совет Иттифоқи билан янги муносабатлар ўрнатишга, ўтмиш муаммоларига узил-кесил чек қўйишга ва олдимизда турган катта муаммоларни биргаликда ҳал этишга эришишга астойдил тайёр эканликларидан далолат беради. Ватандошларим ўзларининг мазкур истиқболларни амалга ошириш тўғрисидаги орзу-умидларини М. С. Горбачев билан боғламоқдалар ва шу сабабли у шу қадар шод-хуррамлик билан кутиб олинди, деди сўнгра у.

(ТАСС).

ЭРОН ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОСИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТЕҲРОН, 6 июль. (ТАСС). Эрон Ислом Кенгаши мажлиси ташқи ишлар комиссиясининг раиси Саид Рожаи Хуросоний «Теҳран таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: «Совет — Эрон муносабатларининг яхшиланиши табиий жараён бўлиб, иккала мамлакатнинг манфаатларига мос бўлиб тушади. Халқларимиз бир-биридан кўп нарсани ўрганиб олишлари мумкин, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш уларга наф келтиради». С. Хуросоний Эрон парламенти раиси А. А. Ҳошимий-Рафсанжонийнинг яқинда Совет Иттифоқига қилган сафарини муваффақиятли сафар бўлди, деб таърифлади.

«Биз барча қўшни давлатлар ва бошқа давлатлар билан суверенитет, ўзаро ҳурмат ва аралашмаслик принциплари асосида яхши муносабатлар ўрнатишга интиляпмиз», — деди Эрон парламентининг аъзоси.

ФИТНА ҚОРАЛАНМОҚДА

ПАНАМА 6 июль. (ТАСС). Панама Қўшма Штатларнинг республика суверенитети, мустақиллиги ва эркинлигига қарши навбатдаги фитнасини қораламоқда, дейилади Ташқи ишлар министрлигининг миллий ҳукумат номидан бу ерда тарқатилган расмий баёнотида.

Америка бўлинмаларига Панама канали районидаги Гамбоа аҳоли пунктини, шунингдек мамлакатдаги энг катта Чилибре сув тозалаш станциясини босиб олиш тўғрисида буйруқ берган АҚШ жанубий қўмондонлигининг масъулиятсиз ҳаракатлари мамлакатдагина эмас, регионда ҳам тинчлик ва хавфсизликни жиддий хавф остига қўйган. Вашингтоннинг Панамага нисбатан ҳукмронлик сиёсати, деб таъкидланади ҳужжатда, Торрихос-Картер шартномаларини, БМТ уставини, давлатлараро муло қотнинг мавжуд нормаларини қўпол равишда бузишдир. Панама ҳукуматининг фикрича бундай ғаламислик мамлакатлар ўртасида савдо-сотиқ ва ҳамкорлик манфаатларига хизмат қиладиган океанлараро каналнинг нормал ишлашига тўсқинлик қилади.

Шу муносабат билан республика Ташқи ишлар министрлиги Оқ уй маъмуриятига қатъий норозилик билдириб, Панамага қарши бундай хуружлар дарҳол тўхтатилишини талаб қилади. Панама ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисининг кун тартибига АҚШнинг ғайриқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги масалани киритишни таклиф этди. Айни вақтда Панама канал тўғрисидаги 1977 йилги шартномага қатъий амал қилган ҳолда тинчлик ва ялпи хавфсизлик сиёсатига садоқатини яна бир бор тасдиқлайди.

ЯНОШ КАДАР ВАФОТ ЭТДИ

БУДАПЕШТ, 6 июль. (ТАСС). МТИ агентлигининг хабарида айтилишича, Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Комитети ўртоқ Янош Кадар узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг бугун эрталаб вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Унинг дафн этилиши тўғрисида қўшимча хабар берилади.

• Санъат оламида

СОЗАНДА ҚИЗЛАР ҚУВОНЧИ

Мадина Рўзматова Тошкент шаҳридаги Успенский номли 11 йиллик музика мактабини битириб, Москвада Чайковский номли консерваторияда скрипка мутахассислиги бўйича таҳсил кўрди. Икки йил ўзи ўқиган мактабда муаллимлик қилгач, Москва консерваториясининг ассистентурасида ижрочилик маҳоратини оширди. У ердан қайтиб келиб, яна Успенский номли музика мактабида ўқитувчиликни давом эттирди. Шу билан бирга, ижрочилик касбини ҳам унутмади. Тошкент Давлат консерваторияси залида ва бошқа музика муассасаларида концертлар берди. Айниқса, ўзи билан бирга Москвада таҳсил кўрган пианиночи-созанда Эльмира Мирқосимова жўрлигидаги дуэт музика жамоатчилигига маъқул тушди. Яқинда Москвада созандаларнинг Бутуниттифоқ конкурси ўтказилди. Унда Мадина Рўзматова билан Эльмира Мирқосимова дуэти Италияда ўтказиладиган Виотти номидаги халқаро созандалар конкурсида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

У. ЮСУПОВ.

ХУШХАБАРЛАР

✦ Термиз темир йўлчилари ўз болалари учун 1170 ўринли янги мактаб қура бошладилар. Ўрта Осиё магистрали қурилиш-монтаж трестидаги энг яхши коллективлардан бири 736-қурилиш-монтаж поезди бу ишларни ўз пудратига олди. Мактаб нормативларга мувофиқ, ўн беш ойдан сўнг — 1990 йилнинг охирида ўқувчиларни қабул қилиши керак.

✦ Шофирконддаги Куйбишев номли колхознинг қурувчилар бригадаси Россия қишлоқларида ишга киришди. Ульяновск областидаги «Восход» совхозида чойхона ва ошхона қурилишини бошлаб юбордик, — деб хабар берди у ердан ҳамюртларига бинокорлар бригадири З. Шарипов. Шартномага кўра, шофирконликлар бу ерда йил охирига қадар 1,3 миллион сўмлик савдо маркази ва уй-жойлар барпо этишади. Ўзбек халқ санъати услублари лойиҳада ўз аксини топади, ошхона таомномаси ўзбек таомларидан иборат бўлади. Савдо марказида республика боғларида етиштирилган ноз-неъматлар, Бухоро усталарининг эсдалик буюмлари сотилади. Россиялик шериклар эса бунинг эвазига Шофирконга ёғоч-тахта ва картошка жўнатадилар.

✦ Янгиернинг «Факел» кооперативи якка тартибда уй қурувчиларга ва ташкилотларга тақчил мол — оҳак сота бошлади. Кооператорларнинг ўзлари оҳак куйдириш печларини қуриб, газ ва сув келтирдилар. Ёдгорликлар тайёрлайдиган қўшни устахонанинг чиқитлари хом ашё ўрнида ишлатилмоқда. Бир ой мобайнида уч ходим 30 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқаради. Аммо бу маҳсулотга талаб илгаригидек катта, янги печларни қуришга, оҳак сўндиришни йўлга қўйишга тўғри келмоқда.

(ЎзТАГ).

• Янгиликдан хабарингиз борми?

ИЛҒОР ТАЖРИБА АСОСИДА

СССР халқ депутатлари съездида кадрларга нисбатан талаб қанчалик ортганлиги яна бир бор намоён бўлди. Дарҳақиқат, 2000 йилга бориб, ҳозирги раҳбар ходимларнинг учдан икки қисми ўз ишларини давом эттиришларини ҳисобга олганда, узлуксиз малака ошириб бориш масаласи янада муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамизда кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг миқдорий системаси вужудга келди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қошидаги республика тармоқлараро раҳбарлар малакасини ошириш институти 15 йилдан бери муайян ишлаб турибди. Ундан ташқари 19 та тармоқ институтлари ва 23 малака ошириш факультетларига, Иттифоқ малака ошириш институтларининг 7 та филиалига, 75 дан кўпроқ ҳар хил курсларга эгамиз. Лекин бу республикамизда малака ошириш лозим бўлган бир миллион икки юз минг раҳбар ва мутахассисларнинг фақатгина учдан бир қисминигина тайёрлашга имкон бера олади. Шу боришда уларни ўқитишга кўзда тутилган нормадаги 5 йил ўрнига 9—10 йил керак бўлади.

Ҳозирги кунда институтимизнинг ўқув, моддий-техника базасини яратиш устида жадал иш олиб бориляпти, 7 кафедра, 9 илмий лаборатория, илғор ишлаб чиқариш транспорти ва йўл хўжалиги корхоналари, ўқув пунктлари ва бошқа бўлинмалар кадрлар билан тўлдирилмоқда, кафедраларга юқори малакали, етук ва кўзга кўринган олим-педагоглар ва мутахассислар жалб қилинган. Аудиториялар энг замонавий ўқув қуроллари ва компьютерлар, киноаппаратлар, телевизион ускуналар ва бошқалар билан жиҳозланмоқда. Институт ҳар йили камида 200 дан ортиқ раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга хизмат қилади.

Институтда олиб бориладиган дарслар хўжаликни бошқаришнинг янги усулларига, сиёсий ва иқтисодий бошқаришни қайта қуришни чуқур ўрганишга, корхоналарнинг янги хўжалик усулига, хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ижара пудратига ўтиш ва давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонун билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга бағишланади. Албатта, ўқиш жараёнини автокорхоналарда, йўл хўжаликларида илм-фаннинг янги ютуқларини, замонавий технологияни жорий этиш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларини қўллаш, табиат бойликларидан ватанимиз ва чет эл илғор тажрибаси асосида ҳамда меҳнат ва моддий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишни ўрганмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Мутахассислар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган бўлиши, ички ва жаҳон бозорлари қонунлари асосида иш юрита олишлари учун уларга янгича иқтисодий ислоҳот шароитида товар-пул муносабатлари, ташқи иқтисодий фаолият ва маркетинг масалаларини чуқур ўргатишимиз лозим. Бу борада шу йил 10 июлдан бошлаб институтимизда ўтказиладиган қисқа муддатли ўқув курслари катта аҳамиятга эга. Чунки республикамиз автотранспорт ва йўл қурилиш корхоналарининг раҳбарлари биринчи маротаба СССР Министрлар Совети қошидаги Халқ хўжалиги академиясининг етакчи олим-педагоглари ва замонавий амалий дарслар билан танишадилар. Бугунги кунда Ўзбекистон Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги ходимлари, институтнинг раҳбарлари, профессор-педагоглари академиянинг Т. Бобровников, А. Тупиченков, В. Дедков каби профессорлари билан ҳамкорликда план ва программаларни шай қилиб, ташкилий масалалар устида жиддий иш олиб бормоқдалар.

Институтимизда талабалар яхши билим олишлари, ўқиш муддатидан унумли фойдаланишлари ҳамда ўзларининг сиёсий, маънавий ва маданий савияларини оширишлари, жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун ҳамма шароитлар яратилган.

Келажакда бу янги билим юртини ривожлантириш учун министрлик томонидан 1989—1993 йилларда қурилиш учун .8 миллион сўм, шунингдек замонавий асбоб-ускуналар ва ҳисоблаш техникаси олиш учун 2 миллион сўм маблағ ажратилмоқда. Бундан ташқари республикамиздаги ҳамма министрликлар, бирлашмалар, корхоналар ва бошқа хўжаликлар, Қорақалпоғистон Автоном Республикаси, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети бош институтнинг ўқув-лаборатория базасини яратишда ҳамжиҳатлик билан қатнашадилар.

Институтимиз Ўрта Осиёдаги бошқа иттифоқдош республикаларнинг, жанубий Қозоғистон ва Яқин Шарқ мамлактлари (Вьетнам, Лаос, Кампучия, Монголия, Хитой) раҳбар ходимлари мутахассисларини ҳам қайта тайёрлашга хизмат қилади.

Э. НОРМЕТОВ,

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги қошидаги раҳбар ходимлар ва мутахассисларнинг малака ошириш бош институти ректори.

З. ҒУЛОМОВ,

иқтисод, бошқаришни ташкил қилиш ва планлаштириш кафедраси мудири, иқтисод фанлари кандидати.

ИККИ ТИЛДА

ТОШКЕНТ. «Ўқитувчи» нашриёти коллективи ўзбек тили ва рус тилини мустақил ўрганувчилар учун кўплаб китоблар чиқара бошлади. Яқинда нашриёт ўзбек тилини мустақил ўрганувчиларга мўлжаллаб 200 минг нусхада янги китоб нашр этди. Рус тилини ўрганувчилар учун ҳам худди ана шундай китобча нашрга тайёрланмоқда.

Бу йил нашриётнинг режалари давр талабига кўра бутунлай қайтадан кўриб чиқилди. Рус тили, ўзбек тили ва бошқа қардош халқлар тилларини мустақил ўрганувчиларга атаб қатор китоблар ва қўлланмалар босиб чиқариш режалари тузиб олинди. Айниқса болалар учун мўлжалланган адабиётларга алоҳида эътибор берилмоқда. Яқинда шу китоблардан савдога чиқарилди.

Суратларда: 1. Нашриётнинг бош муҳаррири И. Г. Аҳмаджонов, бош муҳаррир ўринбосари М. С. Арутюнова, бош рассом В. П. Слабунов, нашриёт директори А. И. Мирзаев ва муҳаррир Р. Ф. Пўлатовалар босмадан чиққан янги китобларни кўздан кечирмоқдалар. 2. Кичик муҳаррир Муборак Шамаева.

А. ГОРОКРИК ва **Р. ШАГАЕВ** суратлари (ЎзТАГ).

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

ТОШКЕНТ ОЛИМЛАРИ ХИТОЙДА

● Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йўлланмаси билан Тошкентдаги йирик илмий-тадқиқот институтлари ва муассасаларининг бир гуруҳ олимлари Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг Уйғур автоном ўлкасида дўстлик сафарида бўлдилар. Улар орасида «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Қодир Ғафурович Ғуломов ҳам бор эди. У сафар таассуротлари ҳақида гапириб берди:

— Биз у ерга Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ва Хитой фанлар академиясининг Шинжонг ўлкаси бўлими ўртасидаги дўстлик ва илмий ҳамкорлик режаларига биноан сафар қилдик. Мамлакатларимизаро қайта бошланган хайрихоҳлик алоқалари ва ижтимоий янгиланишлар олимларнинг яқин мулоқотда ҳамкорлик қилишлари учун қулай имкониятлар яратмоқда. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачевнинг яқинда Хитойга қилган дўстлик сафари чоғида бир қанча муҳим масалалар қатори илмий ҳамкорлик программасини амалга ошириш учун янада қулай имкониятлар вужудга келди.

Сафарда микробиология, ўсимликлар экспериментал биологияси, тупроқшунослик, химия институтлари олимлари қатнашадилар. Шинжонг ўлкасидаги турдош илмий масканлар билан ҳамкорлик қилиш режалари тузилди, бир қатор самарали тадбирлар белгиланди.

БУХОРО ОКЕАН ОША ЭКРАНДА

● АҚШнинг Санта Фе шаҳрининг мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи қадимий Бухоро шаҳри бўйлаб сафарини ниҳоясига етказди. Ўқитувчи Дана Ньюмен раҳбарлигидаги Америка болалари бир ой мобайнида ўзбек тенгдошларининг меҳмони бўлдилар. Мактабларни битирувчилар оқшомларида қатнашдилар. Шунингдек, улар Сомоний мақбараси, Калон масжиди, Моҳи Хоса, Нодир Девонбеги, Кўкалдош сингари тарихий ёдгорликларини қизиқиш билан томоша қилдилар.

Америка мактаб ўқувчиларининг Бухоро бўйлаб сафари муносабати билан шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Валентина Гайдучок шундай дейди:

— Болалар норасида ва пок қалбли инсонлардир. Улар оламга беғубор боқадилар. Болаларга хос самимий муносабат ва мулоқотлар шаҳарларимиз ўртасида биродарлик сўқмоғини очди, десак муболаға бўлмас. Мақсад Бухоро ва Санта Фе шаҳарлари ўртасида биродарлашишни рўёбга чиқариш.

- • ФАКТ
- • ШАРҲ
- • СУҲБАТ
- • ВОҚЕА

Бу ишларда ҳар иккала шаҳар биродарлашган комитетнинг раиси Хип Сабин алоҳида ташаббус кўрсатмоқда.

Океан ортидаги олис шаҳарда Бухоро тарихий ва маданий ёдгорликларини акс эттирувчи диафильмлар ва суратлар намойиш этилди, совға буюмлари юборилди. Яқинда республикамиз пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган СССР ва АҚШ биродарлашган шаҳарлари мэрларининг учрашуви ҳам режаларимиз амалга ошишида истиқболлар очди. Биз, Бухоро вакиллари Тошкент учрашуви кунларида Санта Фе делегацияси билан фикрлашиб, биродарлик алоқаси режаларини белгилаб олдик. Шу йилнинг октябрь ойида биродарларимиз расмий делегацияси Бухорога келади ва дўстлик шартномаси имзоланади.

ЎЗБЕК ДОРБОЗЛАРИ АНГЛИЯГА БОРАДИ

● Пойтахт областининг Коммунистик районидаги Янгибозор маданият уйи қошида ишлаб турган Тўлқин Болтабоев раҳбарлигидаги дорбозлар группаси катта халқаро гастроль сафарига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Улар Англиянинг Мэн оролида мамлакатимиз халқ бадиий ҳаваскорлик коллективларининг ялпи концертларида қатнашадилар. Дорбозлар ўн киши: Тўлқин Болтабоевнинг укаси Тўйчи масхарабоз, фарзандлари Тиркаш, Дилкаш, Лочин, Бунёд, Зулхумор, Мухлиса, фарғоналик шогирдлари — Олимжон ва Сабриддин.

Коллектив келгуси ойда Москвага бориб, у ерда дастлабки репетицияда қатнашади. Бу сафарга Тбилиси, Орёл, Ярославль, Владимир, Львов шаҳарларининг халқ талантлари қўшиладилар.

Халқ санъати вакиллари Англияда август ойи бошларида беш кун ичида тўрт мартадан концерт беришгач, ўн кун давомида мамлакат шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиладилар.

АМЕРИКАДА НАВОИЙНИ ЎҚИЙДИЛАР

● Республикамиз пойтахти нашриётларида чоп этилаётган китоблар ер куррасининг кўпгина мамлакатларида қизиқиш уйғотмоқда. Буни Ўзбекистон китоб савдоси бошқармаси бажараётган юмушлардан ҳам билиш мумкин.

— Бошқарма АҚШдаги Калифорния штатининг илмий марказларига талай китоблар юборди. Улар орасида Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони алоҳида ўрин эгаллайди. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган бу китобнинг 15 нусхаси жўнатилди. Бундан ташқари шу адресга юборилган нашрлар орасида «Ўрта Осиёнинг қадимги тангалари», «Металлдаги қўшиқлар», «Самарқанд» йўл кўрсаткичи, «Фан» нашриётида чиқарилган «Ат-Табарий» китоблар бор.

Германия Федератив Республикасининг Мюнхен шаҳрига ҳам бир қатор китоблар жўнатилди. Немис китобхонлари «Ўзбекистон заргарлик санъати», «Минг ва бир ҳаёт», рассом Ўрол Тансиқбоев асарлари альбоми, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» 3-жилди китобларини ўқийдилар.

А. ПУЛАТОВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА
1989-1990 ўқув йили учун
ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

В. А. БИЛБАС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Луначарский шоссеси, Кольский переулоги, 1-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, сув хўжалиги системалари қурилмаларидан фойдаланиш;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси.

АНДИЖОН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Андижон области, Марҳамат шаҳри, Советская кўчаси, 1-«а» уй).

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши, сув хўжалиги системалари автоматик қурилмаларидан фойдаланиш;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши.

САМАРҚАНД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Самарқанд шаҳри, Севастопольская кўчаси, 63-уй).

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши.

СУРХОНДАРЁ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Сурхондарё области, Қумқўрғон шаҳри, Стадион кўчаси, 20-уй).

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

УРГАНЧ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(Хоразм области, Урганч шаҳри, Гурлан кўчаси, 1-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси, гидротехника қурилиши;

НУКУС ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

(ҚҚАССР, Нукус шаҳри, Кукузякская кўчаси, 120-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: гидромелиорация, гидромелиорация ишлари механизацияси;

НУКУС ШОЛИЧИЛИК ТЕХНИКУМИ

(Қорақалпоғистон АССР, Нукус шаҳри, 25-микрорайон)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил этиш, агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаш.

МИРЗАЧЎЛ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ

(Янгиер шаҳри, Набережная кўчаси, 7-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, бинолар ва иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш, ички санитария-техника системалари ва вентиляцияларни монтаж қилиш ва уларга техника хизмати кўрсатиш;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, бино-иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш.

ШАҲРИСАБЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕЛИОРАЦИЯЛАШ ТЕХНИКУМИ

(Қашқадарё области, Шаҳрисабз шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 28-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, юк ташишни ташкил этиш ва автотранспортда ҳаракатни бошқариш, агрономия, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш;

СИРТҚИ БЎЛИМГА: юк ташишни ташкил этиш ва автотранспортда ҳаракатни бошқариш, агрономия, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаш, қишлоқ хўжалигини мелиорациялаш.

ҚАРШИ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 83-уй)

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, автомобиль ва двигателларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт, бино-иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш, гидротехника қурилиши, қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, автомобиль ва двигателларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт, бино-иншоотлар қурилиши ва эксплуатация қилиш, гидротехника қурилиши, қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКУМИ

(Жиззах шаҳри, Носиров кўчаси, 3-уй).

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА: бухгалтерия ҳисоби, хўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, бино-иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш, гидротехника қурилиши, қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш.

СИРТҚИ БЎЛИМГА: бино-иншоотларни қуриш ва эксплуатация қилиш, гидротехника қурилиши, қурилиш материаллари ва темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқариш.

ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Гидромелиорация техникумларига 8—10-синф маълумотига эга бўлган шахслар, кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлганлар, сиртқи бўлимга — ёши чекланмаган тарзда қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар кундузги бўлимга 10-синф маълумотига эга бўлганлардан 30 июлгача;

Сиртқи бўлимга — 10 августгача қабул қилинади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асл нусхаси), 4 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида), медицина справкаси (086/У форма), амалий иш стажига эга бўлганлар, шунингдек, сиртқи бўлимга кирувчилар учун меҳнат дафтарчасидан, колхозчининг меҳнат дафтарчасидан кўчирма, саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ёки совхозлар, муассасалар томонидан ўқишга юборилганлар учун эса — ягона формадаги йўлланма, паспорт ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий билет ёки чақирилиш гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

8-синф маълумотига эга бўлган қабул қилинувчилар она тили (диктант) ва математика (оғзаки), ўрта маълумотга эга бўлганлар она тили (иншо) ва математика (оғзаки) бўйича имтиҳон топширадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ЎТАДИ:

кундузги бўлимда: 8 йиллик мактаб базасидаги группаларда — 15 июлгача;

ўқишга қабул қилиш 25 августгача; ўрта мактаб базасидаги группаларда — 15 июлгача, ўқишга қабул қилиш —25 августгача;

Сиртқи бўлимда ўқишга қабул қилиш 30 августгача.

• Шахмат чорраҳаларида

УЧ ОПА-СИНГИЛ

Яқинда «Правда» газетасида венгриялик уч опа-сингил шахматчи — Полгарлар ҳақида ҳикоя қилиниб, улар ижодидан намуналар берилди...

Бир неча йил муқаддам жаҳон экс-чемпиони М. Таль тахминан шундай дегани ёдимда: «Жужа эркаклар ўртасида жаҳон чемпиони бўлади!». Кўпчилик қатори мен ҳам буни «навбатдаги муболаға»га йўйган эдим. Аслида жон бор экан бу гапда. Орадан бир неча йил ўтди. Жужа Полгар эркаклар орасида халқаро гроссмейстерлик даражасига кўтарилди, айни вақтда сингиллари тимсолида жуда хавфли рақобатчилар ҳам орттирди...

1988 йил 28 ноябрь, Салоники. Грециянинг бу қадимий шаҳрида ўтаётган жаҳон шахмат олимпиадасининг охирги тур учрашувлари ўйналарди, Г. Каспаров бошлиқ эркаклар командамиз бир тур олдинроқ ғалабани нақд қилиб қўйган, аммо аёлларимиз... Шу куни улар голландияликлар билан дуранг (1,5:1,5) қилган бўлсалар, опа-сингил Жужа, София ва Юдит Полгарлардан иборат Венгрия терма командаси ҳарифларини мағлуб этиб, асосий рақиблари — тўрт карра жаҳон шахмат маликаси Майя Чибурданидзе бошлиқ совет вакилларидан ўзиб кетди ва олимпиада чемпиони бўлди. Биз, махсус туристик группа аъзолари бу тарихий воқеанинг шоҳиди сифатида ғолиб венгриялик қизлар маҳоратига тасаннолар айтган эдик. Уларнинг энг кичиги 12 ёшли Юдит бутун олимпиада иштирокчилари орасида энг яхши натижа кўрсатганлиги учун махсус совринга сазовор бўлди.

Эътиборни жалб қилаётган томони шундаки, опа-сингиллар аёллар турнирларида деярли ўйнамайдилар, эркаклар билан баҳслашишни афзал кўрадилар. Ҳаммаси зўрликка зўр, лекин уларнинг қайси бири зўррoқ, деган савол қизиқтиряпти кўпчиликни. 20 ёшли Жужанинг муваффақиятларига эркаклар кўникиб қолишди. Лекин мутахассислар ҳам София билан Юдитнинг охирги ютуқларидан таажжубга тушдилар. Қарийб юз йилдан бери Англиянинг Гастингс шаҳрида ўтказиб келинаётган нуфузли Янги йил шахмат мусобақаларининг навбатдагиси ажойиб натижалар берди. Чунончи, бош турнирдан кейинги, яъни «А» группа деб аталувчи эркаклар мусобақасида кўпгина гроссмейстер ва халқаро мастерлар қатнашган бўлса-да, ўн имкониятдан 8 очко олган иқтидорли Юдит Полгар ғалаба қозонди. Сал кейинроқ Италияда жуда кучли эркаклар халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздан тўрт гроссмейстер: С. Долматов, С. Палатник, Ю. Разуваев ва А. Чернин (ҳаммаси тан олинган шахматчилар) қатнашди. Лекин ҳар қалай ғалаба нашидасини 14 ёшли София Полгар сурди. Бунисига нима дейсиз? Ахир, у опа-сингилларнинг «ношуд»роғи ҳисобланади-я.

Яқинда халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ энг кучлилар рейтинг варақасини эълон қилди. Энг юқори ўринда — Юдит Полгар! Бизнинг Майя ундан ортда қолибди...

Шу йил бошларида «Совет Ўзбекистони» газетасида Полгарлар ҳақида қисқача маълумот берилиб, уларнинг дастлабки устози оталари экани ёзилган ва фотосурат эълон қилинган эди. Унда опа-сингиллардан бири бармоғини столдаги глобуснинг бир жойига тираб турибди... Эртасига телешахмат мактабининг навбатдаги машғулотини ўтказарканман, ўша суратни кўрсатиб, уни ўзимча шундай шарҳладим: куррамизнинг жажжи нусхасида бир нуқтадек жойни эгаллаган кичик мамлакат вакиллари бўлсалар-да, шундай мавқега эришганларидан мамнун кўринадилар...

Дарҳақиқат, аҳолиси ўн миллион атрофида бўлган Венгрияда бир неча ўнлаб гроссмейстер етишиб чиққан, 1978 йилги жаҳон Олимпиадасида эркаклар ўртасида чемпионликка сазовор бўлишган. Буни, аввало, улар учун яратилган шарт-шароитлар самараси деб билмоқ лозим.

Ниҳоят шуҳратга бурканган грузин шахмат мактаби вакиллари эндиликда муносиб рақобатчиларига эга бўлди. Ҳеч бўлмаса битта мисол келтирмасак бўлмас.



Ю. Полгар — Р. Сингх партияси (Гастингс, 1989) қораларнинг 28-юришидан сўнг ана шу ҳолатга келган эди. Шу ерда Юдит шундай бир зарба берадики, яна икки юришдан сўнг рақиби «қуролни ташлаш»дан ўзга илож тополмайди. Буни ўзингиз топишга ҳаракат қилиб кўринг. Аммо ўйинни бу позицияга олиб келиш ҳар кимнинг ҳам иши эмас. Бундай ижод намуналарини кўрганда беихтиёр «Минг бир кеча» эртакларида ҳикоя қилинган қаҳрамон-доно аёллар, хусусан шатранж тактикаси узра баҳсда эркакларни «ер чиздириб» қўйганлар ёдга тушади.

М. МУҲИДДИНОВ,

«Совет Ўзбекистони» шахмат шарҳловчиси.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р — 01331.
Б. — 160.
ИНДЕКС 64563. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12